



ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган Эдуард Стипрайс, Қирғизистон Республикаси, Франция Республикаси, Италия Республикаси, Чехия Республикаси, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Данияр Сидиқов, Виолет де Вильмор, Андреа Бертоцци, Ярослав Сиро, Нобуаки Ито, Агани ал-Итдр, Аҳмет Башар Шен, Ҳишам бин Мишал ал-Сувейлимдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Президентимиз дипломатик миссиялар раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб пухта ўйланган ташқи сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, аёна ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституцияимизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда.

Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз.

Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асос-

ланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашувига, ҳарбийларимизнинг чет эллардаги операцияларда иштирок этишига йўл қўймаслик давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Ташқи сиёсат соҳасидаги барча ҳамкорларимизга нисбатан очкилик ва хайрихоҳлик руҳида, прагматик сиёсат олиб борамиз, деб таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан самарали муносабатларни юксак қадрлайди. Бунинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади. Ушбу ҳужжат асосида кўп қиррали муносабатларнинг таъсирчан механизми — Ҳамкорлик кенгаши ва кўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси ва бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT ARHITEKTURA VA QURILISH KUMITASI FAOLIYATINI TUBDAN TAKOMILLASHTIRISH CHORATADBIRLARI TUGRISIDA

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шахрисабз шаҳарларининг архитектура қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Тасдиқланган бош режалар бўйича Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш юқори суръатлар билан олиб боришмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиш дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда, ижтимоий-бозор инфратузилмасининг ривожланган тармоғи яратилди.

Шу билан бирга шаҳарсозлик фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни, аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, ишлаб чиқариш,

ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси объектларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини кўпол равишда бузишнинг кўпдан-кўп фактлари аниқланди.

Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектураси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида функция ва ваколатларнинг аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини режа асосида ривожлантириш ҳамда комплекс равишда қуришга жиддий зарар етказаятган асосиз ва шовма-шоварлик билан лойиҳа-режалаштириш ечимлари қабул қилинишига, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қурилиш сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятининг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этишни, шаҳарсозликнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал базасини янада такомиллаштиришни, шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Моддий-техника базаси юқори даражада бўлган ва ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдала-

надиган лойиҳа ташкилотларининг кенг миқёсли ҳудудий тармоғи мавжуд эмаслиги, илғор хорижий тажриба, архитектура ва дизайн соҳасидаги ютуқлардан, шунингдек, инновацион дастурий ечимлардан етарлича фойдаланилмаслиги шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш сифатиغا салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси қурилиш соҳасида давлат маблағлари ва ресурсларидан ноқиллона фойдаланилишига олиб келмоқда.

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасини янада ривожлантириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ҳолатини яхшилаш, аҳоли пунктларини комплекс қуриш бўйича қабул қилинаётган қарорлар учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раисининг, кўмита ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг шаҳар ва аҳоли пунктлари бош режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ишлари қоникорсиз деб топилсин.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

**2017 йил 6 май шанба дам олиш кунини
2017 йил 8 май душанба кунига кўчириш
тўғрисида**

9 май — Хотира ва қадрлаш кунининг халқимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-маънавий ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда аҳолининг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2017 йил 6 май шанба дам олиш кунини 2017 йил 8 май душанба кунига кўчирилсин ва иш кунини деб ҳисоблансин;

2017 йил 8 май душанба кунини дам олиш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 май

Кексалари сийланган юрт

9-may – Xotira va
qadrlash kuni

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ғоялари асосида қабул қилинаётган қарор, фармон ва фармойишлар мамлакат тараққийоти таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Жорий йилнинг 2 февралда қабул қилинган «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳам нурунийларимизга қувонч бағишлади.

(Давоми 8-9-бетларда.)



Бухоро шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Гамик Закиев хонадонда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT ARHITEKTURA VA QURILISH QUMITASI FAOLIYATINI TUBDAN TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUG'RSIDA

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қуриш-монтаж ишларини бажариш, қуриш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига сўзсиз риоя этилиши устидан тизимли давлат архитектура-қуриш нazoratини амалга ошириш, буюртмачилар томонидан техник нazorat ва лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик нazoratини ўтказишни текшириш;

республика ҳудудда аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш, шаҳарсозлик кадастри амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти ва қуриш учун муҳандислик-техник изланишлар олиб бориш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергия тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қуриш материалларини, замонавий қуриш технологиялари ва инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қуриш нормалари ишлаб чиқишлишни мувофиқлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қуриш индустриyasi, қуриш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш;

лойиҳа иши ва қуриш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий талабларга мос келадиган ҳудудий тармоқларни кенгайтириш, яққа тартибдаги, муназавий, такоран қўлланадиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, муаллифлик нazoratининг роли ва масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик, лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасини ўтказиш;

меҳнат унумдорлиги оширилишини, қуриш қиймати пасайти-

рилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қуриш соҳасига жорий этиш, Қуриш пудрат ташкилотлари реестрини юритиш;

бозор ислохотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш, корпоратив нормалар ва нарх белгилашнинг ролини ошириш, лойиҳалаш ва қурилишнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш;

капитал қурилишда давлат харид тизимини такомиллаштириш, танлов (тендер) ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини нazorat қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қуриш фаолиятининг айрим турларини экспертизадан ўтказиш;

архитектура, лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида тизимли асосда малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, республиканинг иқтисодлаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида таълим жараённинг даражаси ва сифатини тубдан ошириш, қуриш соҳасидаги лойиҳачилар ва муҳандисларнинг доимий асосда малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитасининг раиси, шунингдек, қўмита ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари зиммасига шаҳар аҳоли пунктларининг бош режалари ва муфассал режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, қишлоқлар (овулар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш, уларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини қўмитага топшириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитасининг Лойиҳа ва қуриш-монтаж ишлари сифатиغا риоя этилиши устидан давлат нazoratини бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қуриш нazoratини давлат инспекцияси этиб, архитектура-қуриш нazoratини ҳудудий инспекциялари билан, қайта ташкил қилинсин, унинг энг муҳим вазифаси этиб, аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаларига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилишни, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига сўзсиз риоя этишлари, лойиҳа-қидирув ва қуриш-монтаж ишларининг бажарилиши, қуриш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқарилиши ва қўлла-

нилиши устидан таъсирчан нazoratни амалга ошириш, буюртмачининг техник нazoratини ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик нazoratини олиб бориш белгилансин.

Куйдагилар белгилансин: Архитектура-қуриш нazoratини давлат инспекциясининг бошлиғи лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Архитектура-қуриш нazoratини инспекцияларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қуриш қўмитаси раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қуриш бош бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика архитектура шаҳарсозлик кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари ва дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил этиш;

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва архитектура комплексларининг бош режалари лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш, уларнинг амалга оширилиши, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, муҳим шаҳарсозлик нормалари ва стандартларига риоя этилиши устидан нazoratни амалга ошириш; илмий асосланган ҳолда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш ва қуриш, замонавий талабларни, миллий архитектура-маданий аънаналарни, шаҳар ҳудудларидан самарали фойдаланиш, табиий муҳитга зиён етказмайдиган муносабатда бўлишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш тузилмасини уйғун ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфраструктурасини комплекс янгилаш, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатдан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишни назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини реконструкция қилиш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши (А.Ж.Рамагов) аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, комплекс равишда қуриш, ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфраструктурасини таъминлаш бўйича аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидалари бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳамда вазирликлар ва идоралар

раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни амалиётга жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қуриш қўмитаси ҳузурида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қуриш бош бошқармалари ҳузурида 1 "а"-иловага мувофиқ намунавий таркибда ҳудудий архитектура қуриш кенгашларини тузиш ва уларнинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклас тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини ҳамда туманлар (туман гуруҳлари)ни режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, муфассал режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ўз тасарруфидаги ҳудудларда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг тақлифларини кўриб чиқиш;

бош режаларни, муфассал режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш, шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича вилоят, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари тақлифлар киритиши.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, идоралар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган ҳолда шаҳарлар ва туманлар марказларининг тасдиқланган бош режаларига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар:

белгиланган тартибда тасдиқланган бош режалар ва муфассал режалаштириш лойиҳалари мавжуд бўлмаганда шаҳар ва туман марказларида объектларни жойлаштириш ва қуриш (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно);

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, давлат архитектура қуриш нazoratини инспекциясининг қуриш-монтаж ишларини бажариш юзасидан экспертизасининг ижобий хулосаси ва руҳсати мавжуд

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT ARHITEKTURA VA QURILISH KUMITASI FAOLIYATINI TUBDAN TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

бўлмаганида объектларни қуриш ва реконструкция қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) қатъий тақиқлансин.

Белгилансинки, истисно ҳолларда тасдиқланган бош режаларга ва муфассал режалаштириш лойиҳаларига эга бўлмаган шахарлар ва туман марказларида мақсадли дастурларда ва Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат қарорларида назарда тутилган уй-жой ва ижтимоий-фискаролик аҳамиятидаги объектларни жойлаштириш ва қуриш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг:

ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси таркибига ўтказиш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаг-

лари ҳисобига таъминлаш харажатларини молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

10. Куйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар лойиҳа-қидирув ташкилотларининг бажарилаётган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмининг 0,1 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун солинган жарималардан тушган маблаглар (суд харажатлари чиқариб ташланган);

Ўзбекистон Республикасининг резидент ҳамда норезидент юридик ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий ҳомийлик бадаллари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда бегараз ёрдами ва қонун ҳужжатларида та-

қиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблаглар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

а) бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи қарорлари лойиҳаларини киритсин;

б) бир ой мuddатда: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қуриlish кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қуриlish бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қуриlish назорати давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига шарҳ

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий меъморий қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қуриlishни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янгилаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар Тошкент, Андижон, Фаргона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг архитектура-лойиҳалаштириш тизимини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги замонавий турар жойлар барпо этилиши натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда. 2016 йил охиридан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида арзон уй-жойларни қуриш ишлари янада тезкор суръатларда давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар аҳоли пунктларида қуриlish ишларини олиб бориш ва реконструкция қилиш, лойиҳа ва қуриlish-монтаж ишларини амалга ошириш давомида белгиланган тартиб, қоида ва меъёрлар кўпол равишда бузилаётган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳамда давлат бошқаруви органлари

ўртасида ҳудудларни ривожлантиришда шаҳарсозлик жараёнини бошқариш борасида вазифалар ва ваколатларнинг аниқ чегаралари мавжуд эмаслиги шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларини режали ривожлантириш ва комплекс қуриш ҳамда изчил ривожлантириш борасида шашиланчи, баъзида эса нотўғри лойиҳавий-режали қарорлар чиқарилишига сабаб бўлмоқда.

Замонавий лойиҳалаштириш усулларини, амалий дастурий махсулотларни, илмфан, архитектура ва дизайн ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, замон талабларига жавоб берадиган, мураккаб ҳамда юқори категорияли лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш имкониятига эга истиқболли ёшларни жалб этиш учун етарли қизиқиши бўлмаган лойиҳа ташкилотлари фаолиятини қайта қўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда шаҳарсозлик соҳасига оид асосий масалалар ва муҳим муаммоларни ҳал этиш гоят долзарб вазифа экани инобатга олинчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Хусусан, қабул қилинган Фармон, аввало, Ўзбекистон

Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида ягона давлат ва илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш жараёнидаги ролини оширишга қаратилган бўлиб, унинг фаолиятидаги асосий вазифалар ва йўналишларни белгилаб беради. Жумладан: шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий базани мунотазам равишда такомиллаштириш ва янгилаб бориш;

лойиҳалаш ишлари ва қуриlish фаолиятини мувофиқлаштириш, қуриlishда ишлаб чиқариш жараёнига илғор технологиялар жалб қилинишини ташкил этиш;

бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва капитал қуриlishда давлат хариридарини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

архитектура, лойиҳалаш ва қуриlish соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш.

Фармонда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, жумладан, аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриlish, лойиҳа-қидирув ва қуриlish-монтаж ишларини амалга оширишда, қуриlish материаллари ҳамда махсулотларини ишлаб чиқаришда, буюртмачи томонидан техник назорат ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари томонидан муаллифлик назоратининг олиб борилишида шаҳарсозлик тартиб-қоидалари ва меъёрларига риоя этиш бўйича қатъий

назорат ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитасининг Лойиҳа ва қуриlish-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қуриlish назорати давлат инспекцияси этиб қайта ташкил қилинди.

Архитектура-қуриlish назорати давлат инспекцияси бошлиғи ўз лавозимига кўра бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси раисининг ўринбосари, ҳудудий инспекциялар бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қуриlish кўмитаси раисининг ўринбосари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри архитектура ва қуриlish бош бошқармаларининг ўринбосарлари ҳисоблан ишлари белгилаб қўйилган.

Юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қуриlish назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари инспекторларига куйидаги ҳуқуқ берилмоқда, яъни:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар билан келишилган ҳолда, молиявий манбаларнинг туридан қатъи назар, барча қуриlish объектларида, жумладан, шахсий уй-жой қуриlish объектларида рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалар талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қисқа мuddатли инспекторлик текширувларини амалга ошириш.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни тегишли тартибга келтириш ва мазкур қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлардан бири — тасдиқланмаган бош режаларсиз ва мукамал режалаштирилмаган лойиҳаларсиз шаҳар ва туман марказларида ҳар қандай кўринишдаги шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, лойиҳаларсиз ва қонунчилик меъёрларида кўзда тутилган бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ушбу Фармонга мувофиқ тақиқланади.

Тошкент архитектура-қуриlish институти ва Самарқанд давлат архитектура-қуриlish институти, шунингдек, республиканинг ўн тўртта ҳудудда биттадан архитектура-қуриlish йўналишидаги касб-ҳунар коллежи Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қуриlish кўмитаси тизимига ўтказилгани қабул қилинган Фармондаги муҳим янгиликлардан биридир.

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида шарҳ

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Бундай ёшларни тармоққа жалб этиш, соҳа кадрларини тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, фан, назария ва амалиётнинг, шунингдек, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва қурилиш амалиёти билан узвийлигини таъминлаш, ўқув муассасалари битирувчиларини кафолатли иш билан таъминлашга қаратилгандир.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузурида асосий фаолият ўқув жараёнига махсус лойиҳалаштириш ва хорижий олий ўқув юртлиги, лойиҳа-қурилиш фирма ва компанияларидан маҳкама мутахассисларини жалб этиш орқали ўқув жараёнига сифатини оширишга қаратилган таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга ҳизмат қилувчи жамғарма ташкил этилмоқда.

Ушбу Фармон билан шаҳарлар қиёфасини шакллантиришда архитектура-шаҳарсозликнинг муҳим ўрин эгаллаши инobatта олиниб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг ян-

гиланган таркиби тасдиқланди ва унинг вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифалар каторида аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш ва комплекс қурилишларнинг бош режаларга мослиги таъминланганини инobatта олган ҳолда, давлат ва ҳўжалик юртувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятидаги ана шу муҳим ва устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарор билан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг марказий аппарати, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси ташкилий тузилмалари;

Қорақалпоғистон Республика-

си Архитектура ва қурилиш қўмитасининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг намунавий тузилмалари, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бўлимларининг намунавий тузилмалари тасдиқланди;

худудий бўлимларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тўғридан-тўғри бўйсундирилиши ва ҳисобдорлиги, шунингдек, худудий бўлимлар раҳбарларини тайинлаш ва озод этишнинг янги тартиби жорий этилиши белгиланди.

Юклатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида Қўмита тузилмасида янги вазифа ва фаолият йўналишларига эга қўмидаги бошқарма ва бўлимлар ташкил этилади;

лойиҳалашда техник меъёрлаштириш, қурилишда янги лойиҳавий ечимлар, технологиялар ва материалларни жорий этиш бошқармаси;

лицензиялаш, лойиҳалаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳалаш хизмати бозорини ривожлантириш бошқармаси;

пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, пудрат ишлари бозорини ривожлантириш ва капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар бошқармаси;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва Жамғармани бошқаруш бўлими.

Қўмитанинг худудий бўлимлари фаолиятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекциялари, давлат экспертизаси бошқармалари ҳамда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига қайта бўйсундирилди.

Умумий ҳисобда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимидаги ходимлар сони 466 нафарга етказилиб, уларнинг 386 нафарини туман ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимларидаги ходимлар ташкил этади. Бу билан шаҳар

ҳамда туман архитектура ва қурилиш бўлимлари штат бирликлари уч нафарга етказилди.

Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳарсозликни янада ривожлантириш бўйича қарор билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий-техник базани такомиллаштиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ чоралар кўришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизими фаолиятини самарали бошқариш имконини беради.

Аҳоли учун қулай турмуш тарзини яратиш, шунингдек, ривожланган ишлаб чиқариш, ижтимоий, муҳандислик-транспорт инфратузилмасига эга обод аҳоли пунктларини барпо этиш олиб борилаётган шаҳарсозлик сиёсатининг муҳим натижаси бўлиб қолади, албатта.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” форматдаги вазирларнинг навбатдаги учрашуви шу йил кўзда Ўзбекистонда ўтказилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўтган йили “Тўқимачилик битими”нинг Европа парламенти томонидан тасдиқлангани савдо-иқтисодий соҳасидаги ҳамкорликни янада кўнайтириш учун янги истиқболлар очмоқда.

Мамлакатимиз Ўзбекистон — Европа шериклигининг кенг кўламли инвестиция дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқимизда “Ен қўшни — жон қўшни”, “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган мақоллар бор. Булар тарих тажрибасидан келиб чиқиб, неча минг йиллик яхши қўшничилик муносабатларини инobatта олиб айтилган буюк ҳикматли сўзлардир.

Ўзбекистон Республикаси Қирғизистон Республикаси билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга кўтаришни муҳим вазифа деб билади. Халқларимиз ўртасидаги замонлар синовидан ўтган қардошлик ришталари ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатлари, муштарак маданий қадриятлар орқали узвий боғланиб кетган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказган музокаралари икки томонлама ҳамкорлик соҳасида янги саҳифа очди. Мамлакатимиз Қирғизистон билан ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини тан олиш асосида ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда янада самарали ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг кўламли алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоси сифатида Франция Ўзбекистоннинг Марка-

зий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаган.

Давлатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот олиб бормоқда. Шу йил март ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Парижга, апрель ойида эса Франция ташқи ишлар вазири Тошкентга ташриф бурди.

Франция компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги иштирокчи, икки томонлама савдо ҳамжи ўсиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Ўзбекистонда Франция тараққиёт агентлигининг тузилмаси иш бошлади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ёшларимизнинг француз тилини пухта ўрганиши учун “Француз альянси”нинг мамлакатимиздаги фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Икки давлат парламентарлари орасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари бўйича Ўзбекистон — Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг шу йил Рим шаҳридаги навбатдаги йиғилиши икки томонлама савдосотик ҳамжнинг ўсиши, иқтисодиётимизга Италия сарможалари ортиси учун қулай шарт-шароит яратди.

2009 йилда Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университети Ўзбекистон ёшлари ҳавас билан интиладиган олий ўқув юртлиридан биридир.

Иқтисодиётнинг реал секторидagi талабни инobatта олган ҳолда, жорий йилда мазкур университет учун қабул квоталарини ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланмоқда. 2015 йилда Чехия Сенати раиси М.Штех, жорий йил февраль ойида Депутатлар палатаси раиси Я.Гамачек бошчилигидаги делегациялар мамлакатимизда бўлди. Томонлар

турли даражадаги, жумладан, олий мақомдаги ташрифларни амалга оширишдан манфаатдор.

Савдо, инвестиция ва туризм соҳаларида халқ ишга солинмаган катта имкониятлардан қулгусида Ўзбекистон ва Чехия раўнақи, халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг фойдаланиш мумкин.

Япония Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутадиган стратегик ҳамкоридир. Япония нафақат иқтисодий ривожланган, балки глобал муаммоларни ҳал этишда тобора сезиларли роль ўйнаётган қудратли давлатдир.

Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи кўп қиррали ҳамкорлигимизни стратегик шериклик руҳида ривожлантириш йўлида янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Япония билан инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорликни янада кенгайтириш, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаси, коммуникация, машинасозлик каби истиқболли тармоқлар бўйича лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга оширишга тайёр.

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошида ташкил этиладиган Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация марказининг ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Мазкур марказ саноат тармоқларига энг илгор инновацион ғоя ва технологияларни кенг татбиқ этиш, соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон ва Миср халқларини кўп асрлик ришталар, муштарак маданий қадриятлар боғлаб туради. Нил дарёсида сув ҳамжнинг ўлчайдиган ноёб қурилма — ниломер усқунасини яратган буюк аждодимиз Аҳмад Фаронийнинг бой илмий мероси билан халқларимиз бирдек фахрланади.

Аллома бобомизнинг Қоҳира шаҳрида барпо этилган муаззам ҳайкали тимсолида Миср халқининг ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми фодасини кўрамыз.

Ўзбекистон нафақат минтақада, балки араб ва мусулмон оламида катта обрў-эътиборга эга Миср Араб Республикаси билан аънаваный

дўстона ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор.

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг Самарқандда ўтган музокаралари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш жараёнини бошлаб берди.

Ўзбекистон икки томонлама келишувларни амалга ошириш бўйича барча соҳаларни қамраб олган Амалий ҳаракатлар режасини, яъни ўзига хос “йўл харитаси”ни қабул қилди. Ўзаро савдо ҳамжнинг кўнайитириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Туркияга ташрифи чоғида савдо ва сармоциявий, туризм, транспорт коммуникациялари, логистика ва бошқа соҳаларда эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Туркия ташқи ишлар вазирининг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи доирасида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда ҳаж амалини адо этишни истаётган юртдошларимиз ортиб бораётганини инobatта олиб, 2017 йилда мамлакатимиздан ҳаж зияратига борувчилар сони оширилди.

Ўзбекистон Саудия Арабистони билан халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар, жумладан, Ислон ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатларга алоҳида аҳамият қаратади. Ўзбекистон хозирги вақтда ушбу ташкилотнинг Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши фаолиятига раислик қилмоқда.

Ўзбекистон Саудия Арабистони билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли муносабатларни савдо-иқтисодий, сармоциявий ва молиявий соҳаларда янада фаоллаштириш тарафдори.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев элчиларни мамлакатимизда иш бошлаётгани билан самимий табриқлаб, уларнинг масъуляти фаолиятига муваффақият тилади.

2017-yil 3-may, № 35 (8996)

Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги фармони билан тасдиqlанган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бузунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун му்தлақо янгица ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришга қаратилган. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили ҳам шундан дарак бериб турибди. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлашга қаратилган. Мазкур қарор Ҳаракатлар стратегияси мақсад-муддаолари билан уйғун, унда белгиланган вазифаларнинг бевосита давомий кўриниши бўлиб, олий таълим ривожиди янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишидан бири ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ҳам тегишли вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди. Худудлардаги олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида таянч олий таълим муассасаларида магистратура ва докторантурада мақсадли тайёрлаш жорий этилади. Вазирлик ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Талабалар шаҳарчасида маданий дам олиш маркази ташкил этилади. Олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган чин етим, меҳрибонлик уйида тарбияланган ва ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, кам таъминланган оилалардан бўлган иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида «Таълим гранти», «Қасаба уюмлари стипендияси» лойиҳалари жорий этилади. Президентимизнинг шу йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан «Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муайян йўналишларни ўзида қамраган.

Биринчидан, олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таъжировкасани хорижий таълим ва илмий муассасаларда ташкил этишнинг самарадор шакллари жорий қилинади. Республика олий таълим муассасаларига хо-

лашни мақбуллаштиришнинг мақсадли параметрлари аниқланади. Худудий қайта ихтисослаштириш, кадрлар тайёрлаш бўйича таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичлари босқичма-босқич мақбуллаштирилади. Шунингдек, иқтисодийнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш, худудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва иқтисодиёт тармоқлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд олий таълим муассасаларини қайта ихтисослаштириш ва худудларда уларнинг филиалларини ташкил этиш, Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда Термиз давлат университетиди «Тарих (манбашунослик ва матншунослик)» таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, олий таълим муассасалари-


хассисликлари бўйича ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмуни ҳамда тузилишини такомиллаштириш, фанлар блокларини, ўқув режалари соатлари ҳажмини оптималлаштириш;

— худудлардаги олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларига мос равишда магистрларни илмий-педагогик фаолият учун мақсадли (манзилли) тайёрлаш амалиётини жорий этиш;

— бакалаврият ва магистратура дипломининг хорижий намуналарга мувофиқлигини таъминлаш;

— олий таълим муассасалари талабаларининг мутахассислик амалиётларини ўқув дастурларига мувофиқ ташкил этиш ва таъминлаш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари ахборот



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

кам бўлган йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлашга доир тадбирлар амалга оширилади. Ёшларнинг илм-фанга қизиқишини ошириш ёш олимларнинг илмий ва ижодий фаоллигини рағбатлантириш ва тақдирлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилади. Шунингдек, ёшларнинг илмий ишланмаларини амалиётга кенг татбиқ этиш таъминланади. Олий таълим муассасаларидо илмий лабораториялар фаолияти йўлга қўйилади.

Олтинчидан, олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмуни ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги оширилади. Зеро, маънавий-маърифий ишларни самарали олиб бориш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази фаолияти такомиллаштирилиб, унинг маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий тадбирларни мувофиқлаштириш ва ташкил этишдаги роли кучайтирилади.


Бундан ташқари, 2017—2021 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар мажмуи ҳам тасдиқланган. Унга кўра, манзилли рўйхат бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув бинолари, талабалар тураржойлари, спорт иншоотлари ва бошқа объектиларни босқичма-босқич қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш белгиланган.

Олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш йўналишида эса, ўқув ва бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришга қаратилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш ва интеграциялаш, ўқув ва компьютер синфлари, сервер хоналарини жиҳозлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича яна талабаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш масалалари қамраб олинган. Шунингдек, интернет тегилини ошириш, аудиторияларда симсиз улашиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Фарҳод БАБАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати раҳбари

Стратегик вазифалар

олий таълим тизимини тубдан
такомиллаштиришга қаратилган



рижлик етакчи олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар жалб этилади.

Истиқболли ёш педагоглар ва илмий кадрларнинг рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси фаолияти такомиллаштирилади. Педагоглар ва илмий ходимларнинг хорижда малака ошириши ёки стажировкадан ўтиши таъминланади. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг PhD ва магистратура дастурлари бўйича таҳсил олиши изчил йўлга қўйилади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари педагогларини мақсадли параметрларини, амалга оширилаётган худудий ҳамда худудларни комплекс ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари оптималлаштирилади, қайта ихтисослаштирилади ва янги таълим муассасалари барпо этилади. Олий таълим муассасалари тайёр-

нинг истиқболли режаларини шакллантириш мақсадида республиканинг ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Учинчидан, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари тажрибаси асосида олий таълимда ўқитиш жараёни, ўқув режалари ва дастурлари такомиллаштирилади, магистратурада таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилади.

Ушбу йўналишда: — иқтисодиётнинг реал сектори талаблари ҳамда илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида олий таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ этишнинг ягона тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

— илгор хорижий тажриба асосида олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мута-

таъминоти замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар, жумладан, хорижий ўқув ва илмий адабиётлар билан бойитилади, ахборот-ресурс марказлари фондлари янгиланади. Шунингдек, республика олий таълим муассасаларининг ўқув ва илмий адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида адабиётлар рўйхатини шакллантириш, харид қилиш ва тарқатиш тартиби, янги авлод ўқув адабиётларини яратишга бўлган талабаларни ишлаб чиқиш, хорижий адабиётлардан фойдаланиш асосида олий таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларидаги фанлар учун яратилган ўқув-услубий мажмуаларни босқичма-босқич тайёрлаш ва татбиқ этиш кабилар кўзда тутилган.

Бешинчидан, илмий-тадқиқот фаолияти ривожлантирилиб, самарадорлиги оширилади. Олий таълим муассасаларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, республикада малакали мутахассислар ўта

Эзгулик хиёбони



Munosabat

Ўтган йили Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда вилоятни ривожлантиришнинг истиқбол режаларини баён қилиш билан бирга халқимизнинг фидойи фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини бутун мамлакатда кенг нишонлаб, у туғилиб ўсган Жиззах замида муҳташам ёдгорлик мажмуасини барпо этиш таклифини билдирганида, бутун зал оёққа қалқиб, гулдурас қарсақлар билан олқишлаган ва унинг акс садоси юртимиз бўйлаб таралган. Бироз ўтиб "Жиззах вилоятда халқимизнинг атоқли фарзандлари — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотира-сига бағишлаб, замонавий ижод маркази ва унинг таркибда гўзал, муҳташам бир боғ бунёд этсак, истеъдодли ёшларимизнинг бу ерга келиб, адабиёт ва санъат, мушқа сирларини чуқур ўрганишини йўлга қўйсак, нур устига нур бўлар эди", деганларида, бу таклифни ҳам барча қўллаб-қувватлаганди.

Ўша кундан вилоятда бўйлихаларни ҳаётга жорий этиш борасида қизгин ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг шу йил 27 март кuni қабул қилган "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борада амалга оширилган ишларнинг аниқ қўламини белгилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятда бўлди. Ташриф давомида ўзининг сайловолди дастурида белгиланган режалар ижроси, амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди. Шу жумладан, вилоятда барпо

этилаётган Шароф Рашидов ёдгорлик мажмуаси, Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонини бориб кўриб, бу азиз масканларнинг мазмун-моҳиятини янада бойитиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Бу Жиззахлик шоир сифатида мени ҳам жуда тўлқинлантириб юборди ва буюк сиймоларимиз тимсоллари маърифат нури билан ёритиб турадиган эзгулик хиёбонини файзли қилиш борасида айрим фикр-мулоҳазалар халқимга келди.

Монументал санъат асарлари маънавий-маърифий тарғиботнинг энг қудратли воситаси ҳисобланади. Айниқса, монументал санъат асари — ҳайкал шу замида туғилиб ўсган буюк фарзандларнинг тимсоли бўлса, таъсир кучи янада ошади. Ҳайкалларга қараганда улуғ сиймоларнинг ибратли ҳаёт йўли ёдга тушари, қалбда улардек барпо

лишга, эзгу ишларни амалга оширишга рағбат уйғонади.

Замонавий техникалар ривожланган асрда бу қудратли тарғибот воситаси кучини оширишнинг янги-янги имкониятлари пайдо бўлди. Маълумки, таниқли авар шоири Раул Ҳамзатовнинг машҳур "Турналар" кўшиғига Доғистондаги Гуниб тоғида ва Чирчиқ шаҳримизда ёдгорлик ўрнатилган. Мазмун-моҳият жиҳатидан Чирчиқдаги ёдгорлик Гунибдагига нисбатан яхшироқ бунёд этилган. Лекин Гунибдаги ёдгорлик ҳамisha зиёратчилар билан гавжум. Чунки Гунибдаги ёдгорликда эртадан кечгача магнит тасмалари орқали Марк Бёрнес ижросидаги "Турналар" кўшиғи янграб туради. Яъни, ёдгорлик зиёратчиларга ҳам кўзи, ҳам қулоғи орқали таъсир этади.

Яқин кунларда кўзларимизни қувнатадиган Шароф Рашидов ҳайкали ёнига монитор ўрнатилса, унда Шароф отанинг ҳаёти ва ижодида оид тасвирлар, халқ билан самимий учрашувларидан лавҳалар, хикматли сўзлари намойиш этилганда, "Ўлкам, омон бўл", "Дубоналар", "Уялма" каби машҳур кўшиқлари янгра-са, "Кашмир кўшиғи", "Икки дил достони" каби асарлари асосида яратилган фильмлардан парчалар кўрсатилса, айна муд-дао бўларди. Бу узок-

яқиндан келган зиёратчиларда унутилмас таассурот қолдириши билан бирга Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берарди, уларнинг улкан мақсадларга илҳомлантирарди.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкаллари ёнига ҳам монитор ўрнатилса, унда ҳам шоирлар ҳаёти ва ижодида оид лавҳалар намойиш этилганда, семимий шоирларимизнинг "Ўрик гуллаганда", "Энг гуллаган ёшлик чоғимда", "Куйгай", "Тингла, булбул" каби кўшиқлари янгра-са, хиёбонга келганларнинг баҳри-дили очиларди.

Шароф Рашидов Ҳамид Олимжонга бағишланган мақола-сида замондошлари фикрини ажойиб тарзда ифодалаганди: "Шоир шеър ўқишни чинакам санъат даражасига кўтарган эди". Ўзим ҳам кекса ижодкорларимизнинг Ҳамид Олимжон тадбирда шеър ўқиб бўлганда, гулдурас қарсақлардан бионинг томи зириллаб кетарди, деганларини кўп бор эшитганман. Зулфия опа ҳам Тошкент, Деҳли ва бошқа шаҳарлардаги катта анжуманларда мулоим овозда шеър ўқиганларида, ўзбек тилини билмайдиган кишилар ҳам ўринларидан туриб гулдурас қарсақ чалишган. Сиз ҳам Зулфия опанинг ўзи ўқиган "Бу

оқшом..." шеърини тинглаб кўринг, бу гап ростлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Устозларимизнинг шеър ўқиш санъати аъналарини давом эттириш мақсадида, ўқувчи-ёшлар ўртасида Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов шеърларини чиройли ўқиш бўйича республика танлови ўтказилса, хиёбоннинг очилиш маросимида ҳудудий босқичларнинг 14 нафар голиби шеър ўқиш санъатларидан бахраманд этишса, олтин узукка гавҳар кўз қўйгандай бўларди. Бу барчанинг қалбида шеърятга, адабиётга меҳр уйғотарди, китобдай бебаҳо хазинадан унумли фойдаланишга рағбатлантирарди. Китобга меҳр қўйган инсонлар эса, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг олдинги сафларида қадам ташлайдилар.

Жиззахда халқимизнинг атоқли фарзандлари тимсолари зиё сочиб турадиган эзгулик хиёбони юртимиз кўркига кўрк қўшиб бунёд этилажак. Бу эзгулик хиёбонидан замондошларимиз, қанча-қанча авлодлар фахр-ифтихор билан, улугларимиз ҳаётидан ибрат олиб, юртимиз буюк келажagini яратиш йўлида улардек фидойиликлар кўрсатажак.

Асрор МҮМИН,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

Ҳар қандай хавфга қарши туришга қодирмиз

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Абдусалом Азизов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан очиқ мулоқотда ана шундай фикрни билдирди.

Халқро пресс-клубда бўлиб ўтган мазкур учрашувда ички ишлар вазирилик, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари раҳбарлари, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ички ишлар органларининг фаолияти мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилгани таъкидланди. Бу жараёнда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини ошириш, жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш соҳаларида амалий натижаларга эришишга эътибор қаратилаётган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қону-

ний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Шу асосда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишга замон талабларига жавоб берадиган янги ёндашувлар татбиқ этилаётган. Жиноятчиликка қарши курашишга жамоатчиликнинг кенг қатламларини жалб қилиш, профилактика инспекторларининг бевосита аҳоли орасида иш олиб боришини ташкил этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида кўплаб маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг жамоатчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида ҳар пайшанба кuni ташкил этилаётган жиноятчиликнинг олдини олишга доир комплекс тадбирлар, хусусан, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларда қатнашиш даволатини муҳофаза қилиш, бу борада тартиб ўрнатиш юзасидан

таълим муассасалари маъмурияти ва ота-оналар жавобгарлигини ошириш бўйича ташкилий-тушунтириш тадбирлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Профилактика кунини ўтказиш амалиёти бошланган февраль ойида айрим ўкув муассасаларида давомат 50 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 90 фоиздан ошган.

Пойтахтимизнинг кўплаб чорраҳаларида ўрнатилган видеокузатув мосламалари орқали тезликни ошириш, светофорнинг қизил чирогога бўйсунмаслик билан боғлиқ қоидабузарликларни автоматик рўйхатга олиш ва қоидабузарларга жарима ёзиш амалиёти йўлга қўйилгани қисқа вақтда ўз самарасини кўрсатди. Дастлабки вақтда бир кунда 8,6 минг қоидабузарлик қайд этилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич минггага тушди. Бу самарали амалиёт доирасини босқичма-босқич кенгайтириш кўзда тутилган.

Иштирокчилар томонидан кўпроқ паспорт-виза қоидалари, прописка масаласидаги турли муаммолар юзасидан мутасаддиларга саволлар берилди. Прописка бўйича тегишли қонун мавжудли-

ги, барча масалалар шу асосда ҳал этилиши, виза бўйича содда-лаштириш ишлари амалга оширилиши тушунтирилди.

Ижтимоий тармоқларда вояга етмаганларга нисбатан кўпол муносабатда бўлган ўқитувчилар ҳақида видеороликлар тарқалгани, бунга ички ишлар органлари қандай муносабатда бўлгани сўралганда, Фаргона вилоятда содир бўлган ана шундай ҳолат, яъни ўқувчига қўл кўтарган ўқитувчи маъмурий жавобгарликка тортилгани маълум қилинди.

Ички ишлар органлари фаолиятда очиклини таъминлаш борасида очиклини таъминлаш борасида ички ишлар вазири бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳисобот тақдим этиши айтилди. Бундай амалиёт бутун тизимга тааллуқли бўлиб, масалан, энг қуий бўғиндаги профилактика инспектори бир ойда бир марта маҳалла фаоллари олдида қилган ишлари юзасидан ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

2017-yil 3-may, № 35 (8996)

Электрон таълим ресурслари

улардан таълим муассасаларида қанчалик даражада фойдаланилмоқда?

"Богбоннинг уч ўғли бўлган экан. У дангаса болалари эртага қандай қилиб рўзгор тебратишини ўйлаб, фамга ботаркан. Бу дунёни тарк этар чоғи доғишмандона бир васият қилибди: "Ўғилларим, богдаги узумлар тагига олтин яширилган. Мен дунёни тарк этган, уни кавлаб олинглар. Бу бойлик сизларнинг умр бўйи роҳат-фароғатда яшашигиз учун етади".

Уч фарзанд отасини дафн этиб келган, бойлик умидида богдаги узумларнинг тагини кавлай-кавлай, ҳеч қандай олтин топа олишмабди. Умидсизликка берилган ўғиллар "Отаним бизни алдабди", деган фикрга келишибди. Аммо баҳорда узум шундай мева солибдики, ҳосилни териб сотган ака-укалар бойликка қўмилиб қолишибди. Шунда учовлон отаси айтган олтинлар ер тагига эмас, меҳнатда эканини тушуниб этибди".

"Меҳнатнинг таги роҳат" мавзусидаги электрон ресурсда ўқитувчи тилидан баён этилган бу матн болалар диққатини жалб этди. Зангиота туманидаги 43-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муаттар Хасанова "Ақли богбон" эртаги қахрамонлари ролини ижро этаётгандек сўзлайди. Кейин эса экранда олма, апельсин, қулунпай, лавлаги, лимон, банан, бодиринг, олчангир расми ҳамда мева-сабзавот номлари ёзилган сатр пайдо бўлади. Ўқувчи уларнинг инглизча номи қайд этилган ёзувини тўри белгиласа, "Баракалла" деган олқиш эшитилади. Масалан, олқиш расмига plum, олма расмига apple, бодиринг расмига cucumber...

Навбатдаги лавҳада савол-жавобли видеоролик болажонлар ихтиёрига ҳавола этилади. Яъни, "Бог ичига нима яширилган экан?", "Олтин қаерда экан?" каби мавзуда доир саволлар янграйди. Шунда мультимедиа тасвир вақтинча тўхтатилиб, навбат ўқувчиларга берилади. Кейин уларнинг фикрлари аудиоёзувдаги сўзлар билан таққосланади. Хулоса қилиб, олтин ерда эмас, меҳнатда ҳамда барча ёмонликнинг боши дангасалик иллати экани таъкидланади.

— Бундай электрон ресурслар орқали ўқувчилар маълумотни хотирасида 75—85 фоиз сақлаш имконига эга бўлади, — дейди Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи, АКТ бўйича бош мутахассиси Қудрат Мирзаев. — Асосийси, электрон материаллар дизайни, мазмуни ва актуаллиги билан аҳамият касб этиши лозим. Шу кунгача марказ қошидаги лаборатория мактабда видеодарс, аудиодарс, аудио ва видеороликлардан иборат 587 та электрон ахборот-таълим ресурслари яратилди. Жумладан, ўтган йили барча ўқувчиларига доир 120 та ресурс замонавий методик материаллар асосида ишланди. Жорий йилда эса 45 номдаги мультимедиа иловасини яратиш кўзда тутилган ҳамда улар дарсликни юз фоизгача кам-

раб олиши сабабли марказ студиясида иш ҳажми ортди. Хозирча 6 та видеодарс тасвирга олиниб, монтаж ишлари бажарилди. Ҳар ўқув йили аввалида мавзулар юзасидан электрон ресурслар яратиш учун аниқ режа белгилаб олиниши. Методик материаллар марказдаги махсус студияда тасвирга олиниб, овоз ёзиш ва монтаж ишлари давомида сараланади. Айниқса, чет тилидаги электрон материаллар мазмунига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Масалан, 1-синф инглиз тили дарслигидаги ҳар бир дарс бўйича кўшиқ, ўйин-машқлар тайёрланган. "Ўйинчоқлар ва ранглар" ("Toys and colours") мавзусидаги "Мендаги нарса" ("I have a thing") ўйини ҳам қизиқарли. Унда икки ўқувчи рангли ўйинчоқларни кўрсатиб, номини инглизча айтиди. Ўйинда ортда қолган ўқувчига яна бир имконият берилади. Бу метод кичик ёшдаги болаларнинг ранг ва бўюмларни тез, осон ўрганишига ёрдам беради.

Барча маълумотлар eduportal.uz ахборот таълим портали орқали янгиланади, ўқитувчиларга етказилади, имтиёзли равишда фойдаланиш тавсия этилади. Яқинда ушбу порталдан фойдаланиш учун қўшимча қўлайликлар киритилди. Жумладан, IQ Board IR интерактив электрон доскани ўрнатиш ва ишга тайёрлаш (ўзбек тилида), IQBoard IR интерактив электрон досканинг бармоқларни таний олиш функциясини ишга тушириш (ўзбек тилида), Zeus DVB-T Z-08 ТВ тюнерини компьютерга улаш, дастурий таъминотини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш (ўзбек ва рус тилларида), IQ Board IR русумли интерактив электрон досканинг махсус дастурий таъминоти "IQ Interactive Education Platform V5.2" ускуналаридан фойдаланиш бўйича электрон қўлланма (ўзбек ва рус тилларида)лар эркин фойдаланиш учун порталга жойлаштирилди.

Портал кенг қўламада фойдаланиш учун яратилган бўлиб, махсус билим талаб қилмайди, кўпгина "Windows" типигаги дастурлардагидек менюлардан иборат. Виртуал ўқув ресурсларининг портал таркибига юқорида аниқланган кўринишдаги жойлашуви ўқувчиларнинг барча ўқув фанларини ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Хўш, яратилган бундай имкониятдан ўқитувчилар қандай фойдаланмоқда? Ушбу саволга жавоб излаб бир қатор умумтаълим мактаблари фаолияти билан танишдик.

— Мактабимизнинг кимё ва биология хонаси 57 турдаги замонавий жиҳозлар билан таъминлангани боис, дарсда лаборатория анжумлари ёрдамида амалий методларни қўлланишимиз, — дейди Мирзо Улугбек туманидаги 69-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Моҳиба Пўлатова.

Ҳар бир машгулотни АКТ орқали интерфаол педагогик усуллардан фойдаланиб ўтишга одатланганман. Қизиқувчан ўқувчилар билан биргаликда видеоларча тайёрлаб, "Микроскопнинг тузилиши. Хўжайраларни ўрганиш усуллари" номли электрон қўлланма яратганмиз. Шунингдек, 6-синф ботаника фанидан "Икки уруғ паллали ва бир уруғ паллали оилалар" мавзуси бўйича электрон схема тайёрладик. Одам ва унинг саломатлиги фанидан эса "Сўлак ферментининг крахмалга таъсирчанлиги" мавзусида техника хавфсизлигига риоя қилиб, 8-синф ўқувчилари иштирокида электрон дарс устида ишладик.

Бугун деярли ҳар бир муассаса, ҳар бир хонадонда электрон мобил илова мавжуд ёки интернет тармоғига улган. Фойдаланувчилар мунтазам янги ахборот, кўй-кўшиқ, видео ва аудиолавҳалардан бохабар бўлишмоқда. Ўз навбатида, ота-оналар ҳам фарзандлари учун керакли маълумотларни олиш, хурсусан, уйга вазифа бажаратганда электрон ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Олайлик, электрон манзилда 4-синф тасвирий санъат фанидан "Тўғри тўртбурчак шаклида нақш ишлаш"ни чуқур тушунириш учун видеодарс жамланмаси бериладган. Унда уста Ширин Муродов ижоди, ганчорлик бўйича бажарган ишлари намуна сифатида келтирилади. Кейин босқичма-босқич нақш чизиш методикаси, яъни пахта, гул ва нақш композициясини яратиш усули ўргатилади. Пойтахти-мизнинг Олмаоту туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зулайҳо Хошимовнинг дарсини қузатганимизда, у аввал композиция маркази ҳамда унинг тўрт томонини бўйлаб технологиясини мукаммал кўрсатиб, асосан симметрияга эътибор қаратиш кераклигини тасвирлаб берди.

Ижтимоий тармоқдаги фойдали ресурслар билан танишиб, уларни машгулотларда қўллаётган ўқитувчилар сонини кундан-кунга ошмоқда. Бироқ қузатувларимиз давомида барча таълим муассасаларида ҳам замонавий АКТдан самарали фойдаланиб ўқув машгулотларини мазмунан бойитишга эътибор берилмаётганига гувоҳ бўлдик. Базан бунга компьютердан ёки интернетдан фойдаланишни билмаслик, муассасанинг "Ziyouet" тармоғига улангани ва жамоада бу борадаги рақобат муҳитининг яратилмаганлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Масалан, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг мониторинг натижаларига кўра, "Сўз туркумлари" мавзусидаги ресурсни 127 нафар, 9-синф физика фанидан яратилган "Атом ядроси" мавзусидаги қизиқарли лаборатория ишини 475 нафар, "Kids' English" электрон ресурсининг охириги вариантини 555 нафар, математика фанидан

яратилган видеодарсини 512 нафар, рус тили электрон ресурсини 279 нафар педагог қузатган, ҳолос. Агар юртимиздаги жами мактаблар ва ўқитувчилар сони билан бу рақамни солиштирсак, неча фоиз ўқитувчи бу каби электрон манбалар билан қизиқатганлигини англаш қийин эмас.

Мисол учун, Яшнобод тумани 155-мактабдаги ҳолат ҳам ташвишли. Бизни кутиб олган мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосаридан ўқитувчиларнинг неча фоизи АКТдан фойдалана олишини сўрадик. Жавобдан ҳайратимиз ошди — 10 фоиз. Бейхитёр пойтахт мактабдаги ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги шу даражада бўлса, чекка ҳудудлардаги аҳвол қандай экан, деган савол туғилади.

Жараёнга халақит бермаган ҳолда дарсларни қузатишга киришдик. Физика хонасида 6-синф ўқувчилари "Масалалар ечиш" мавзусини мустаҳкамлашгаётган экан. Ўқув йили давомида қайси мавзу қизиқарлироқ ўтилгани ҳамда кўпроқ эсда қолганини суриштирсак, ўқувчилар "Зичликни аниқлаш" мавзусида намойиш этилган виртуал лаборатория ишини таъкидлашди. Бироқ синфхонада парта, стул ва доскадан бўлак кадаскоп, экран каби техник мосламаларга қўзимиз тушмади. У ҳолда юқоридаги лаборатория иши қандай намойиш этилгани ҳақида сўраганимизда, физика фани ўқитувчиси Хадича Бобомуродова инглиз тили хонасидаги мультимедиа воситаларидан вақтинча фойдаланганини таъкидлади. Тарих, она тили ва адабиёт, инглиз тили фани ўқитувчиларининг машгулотлари ҳам аънавий тарзда ўтилганини қузатдик. Информатика хонасида компьютер жиҳозлари бўлса-да, интернет тармоғига уланмаган. Бугунги дарс "Веб-сайтлар яратиш бўйича амалий машгулотлар" мавзусида экан. Табиий савол туғилади: интернетга уланмаган компьютерда қандай қилиб сайт яратишни ўргатиш мумкин? Ўқитувчи машгулотда веб-сайтларнинг фани ва шрифтларини тушунирди, ҳолос. Шу билан амалиёт дарси қисқагина назарий тушунча билан якунланди. Энди ўзингиз айтингчи, шу маълумот ёрдамида ўқувчи веб-сайтларнинг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўла оладими?

752 нафар ўғил-қиз таълим олаётган муассасада физика амалиётини тушунишга ёрдам берувчи лаборатория жиҳозлари, электрон ресурслардан фойдаланиш учун интернет тармоғи бўлмаса, ўқувчиларнинг билим савияси қай даражада?

— Мактабимиз икки йил аввал капитал таъмирдан чиқарилган, — дейди мактаб директори Зулфия Юнусова. — Эски жиҳозларни ташлаб юборгандик, бу йил янги лаборатория жиҳозлари учун буюртма бераёلمиз. Компьютерларни интернетга улаш



Dolzarb mavzu

бўйича ҳам туман телефон тармоғига мурожаат қилганмиз.

Гузор туманидаги мактаблар ҳолати билан танишганимизда ҳам кўнгилни хира қиладиган манзарага гувоҳ бўлдик. Туман ХТМФМТЭБ мутасаддиларининг маълумотига кўра, тумандаги барча мактаблар ўз электрон манзилга эга. 45 та мактаб, 5 та мактабга таълим муассасасининг веб-сайти бор.

1-мактабда 4 та видеопроектор, 2 та компьютер синфи мавжуд. Ҳар бири 15 тадан компьютер жамланмасига эга. Компьютер синфининг бири интернет тармоғига уланган. Инглиз тили фани кабинетини ҳам АКТ воситалари билан жиҳозланган. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ҳамдам Жумақулловнинг таъкидлашича, барча фанлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Аммо битирувчи ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда асл манзара бошқача экани ойдинлашиб қолди. Аслида ўқувчилар фанлар йўналишидаги машгулотларнинг компьютер орқали, электрон ресурслар ёрдамида ўтилишини хоҳлашса-да, ўқув йили давомида аксарий дарслар аънавий маъруза шаклида ўтилган. 7-синфда ҳам информатика ва инглиз тили фанларидан ташқари барча фанлар шу тарзда эски усулда олиб борилади.

Тумандаги 34-умумтаълим мактабиди ҳам компьютер синфи, АКТ воситалари бўла туриб, фанлар эскича қолипда ўқитилмоқда. 7-"Б" синфда инглиз тили фани чизмачилик кабинетиди олиб боришмоқда. Ўқувчиларнинг иштироки ҳам шунга яраша — 23 нафар ўқувчидан атиги 14 нафар дарсда қатнашмоқда. 7-"Д" синфда Дилфуза Исмоилова ўтиши керак бўлган зоология фанини кимё фани ўқитувчиси Матлуба Саидова ўтмоқда. Дарсларни электрон ресурслар ёрдамида, АКТ воситасида ўтиш ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Розия Қайнарова ўқувчиларга она тили фанидан сабоқ берадиган. У ҳам йил давомида бирор марта машгулотларни АКТдан фойдаланган ҳолда олиб бормаган. Ачинарлиси, маъсۇл ходимнинг компьютер саводхонлиги ўрта даражадан ҳам паст. Шундай бўлган, қолганлардан нима кутиш мумкин?

Юқоридаги ҳолатга изох сўраб, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ДТС мониторинги бўлими мутахассиси Фахриддин Сафарова юзландик. Мутахассис иш бошлаганига кўп бўлмаганини, шу боис маълумот бера олмаслигини билдирди. Натижада саволларимиз жавобсиз қолди...

Шоира БОЙМУРОДОВА,
Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Юзтадан битта йигит

(Сержант Улуғбек Барноевни хотирлаб)

Хизмат сафари билан Каттақўрғон шахрига бордим. Меҳмонхонадан чиқиб, машинада туман мудофаа ишлари бўлими томон кетяпмиз. Шу пайт собиқ сафдошим Улуғбек Барноевнинг шахар марказий кўчасига осланган катта портретига кўзим тушди. Бир дам ҳаялга толдим...

Шартнома бўйича хизматни эндигина бошлаган, ҳарбий қисм ҳаётига мослашаётган дамларим. Мени Улуғбек билан взвод командирим таништирган. У Улуғбекка алоҳида ҳавас билан таъриф бергани эсимда. Жуссаси мендан ҳам кичкина бу йигит нималарни бунчалик қўйил қилган эканки, шахсан взвод командирининг ўзи таништирди, деган фикр хаёлимдан ўтди. Кейинроқ сержант Улуғбек Барноевнинг ҳарбий хизматчилар орасида ҳурмати банд эканлигига ўзим амин бўлдим. Жисмонан кучли, дунёқараш кенг, меҳнаткаш, бошқалардан ёрдамчини аямайдиган, ҳарбий жиҳатдан профессионал бу йигитдан кўп нарса ўрганаман, деб ният қилиб юрган кезларим, у мустақил Ватанимиз осойишталиги йўлида хизмат вакили бўлишимизга кириб бордик. Бўлим бошлиғи, майор Нозим Йигиталиев бизни хонасига бошлади. Бу бир тасодиф бўлдики, ёки... билмадим. Хонада Улуғбекнинг отаси Абдулло ота ўтирдик. Кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Ташқарида чиқиб, узок суҳбатлашдик. Улуғбекнинг ота-онасининг қалбидан ўтган кечинмалар ва айрим воқеалардан хабар топдим.

— Улуғбек бизнинг сўянчи тоғимиз эди, — дейди Абдулло ота. — Бобоси билан момоси буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбекка ҳавас қилиб, шу исми берган. Болагидан қобиляти, жисмонан соғлом ва қизиқувчан эди. 1985 йили мактабга чиқди. Уша пайтда заводда муҳандис-механик бўлиб ишлардим. Мактабга ҳар кун эрталаб у билан бирга кетардик. Темир йўлга етганда, ҳар кун поезднинг оғирлиги қанча, узунлиги-чи, нимага асфальтда юрмайди, ким ҳайдайди, каби саволларни такрорлашдан эринмасди. Математикадан савол-жавоб қилишни ёқтирарди.

Самбо билан шуғулланганим учун уни ҳам спортга қизиқтирдим. Ўғлим билан бирга кураш тушардик. Кўпинча у голиб бўларди (қулади). Мактабдан қайтган, ҳар бир ишини режалаштириб қиларди. Бир зумда улғайиб, бўйи чўзилиб қолганини ҳам сезмабмиз. Мудофаа ишлари бўлимига қақришдик. Армияга кузатдик. Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда мuddатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида шарафли касбга ҳаваси кучайди. Бир кун ҳарбий қисмга бордим. Командир ва ўрқоқлари билан суҳбатлашдим. Ўғлим шартнома асосида

уни шу қисмда олиб қолишга қарор қилганликларини айтди. Бу қарорга қўшилдим ва унга оқ фотиҳа бердим. Командирлари — Ботир Абдуллаев, Хайдар Абдиев, Рустам Раҳмонов, сафдошлари — Алишер Каттақуллов, Тolib Ражабов, Азамат Эсонов... Улар билан тез-тез гаплашиб тураман, байрамларда телефон қилишади, кўрагани уйга келишади. Хайдар Абдиев Улуғбекка ўхшаган ўғли бўлишини орзу қилар экан. Ботир Абдуллаев эса "Юзтадан битта Улуғбекка ўхшаган йигит чикса, армиямиз энг кучлиси бўлади", деганди.

То ўша шум хабаргача ҳаммаси яхши эди (Бироз сукт сақлайди). Янги иморат қураётгандик. Август ойи, дам олиш кунини. Янги ҳовлида иш қилиб юргандим. Онаси гап толиб келди: "Сариосиё деган жойда уруш бўлаётганмиш, Улуғбек ҳам ўша ерда эмасмикан?". Э, кўйсанг-чи, деганча гапига эътибор бермай, ишимда давом этдим. Чағлишга уриндим. Улуғбек охириг келганида кўл соатини менга ташлаб кетганди. Соатга қарасам, тўхтаб қолган, ҳозиргина ишлаб тургандай. Тавба! Юрагим увушди. Кўлим ишга бормай қолди. Дарахт тагига, сояга бориб ўтирдим. Эътибор бериб қарасам, дарахт қуриб бошлабди...

Мактаб директори қақтирди. Дам олиш кунини яна нима гап экан, деб мактабга бордим. У ерда яна бир-икки киши бор эди. Директор ҳокимиятга қақиряпти, деб йул бошлади. Ҳамма жим. Менга гапиришмайди. Тинчликмикан, десам, билмасак, дейишади. Ҳокимиятда бизни ўнга яқин одам қаршилади. Ҳарбий либосдагилар ҳам бор. Узоқдан гап бошлашди. Кўнглим қандайдир ёмон хабарни сезди. "Абдулло ака, энди тақдирини шундай экан, ўнглингиз Улуғбек қаҳрамонларча ҳалок бўлибди". Бу гапни эшитганимдан кейин нималар дейишди, нималар бўлди, англамадим. Уйга қайтдим. Уйда момоси бор, бу гапни қандай айтаман, онасига-чи? Онаси сезди. Тўғриси айтинг, нима бўлди, бошқачасиз, деб холижонимга қўймади. Айтмадим, айтолмадим... Онасига ички ишлар бўлимида ишлайдиган аёл айтди. Момосига ўзим айтдим. Момоси 3-4 ойча тинимсиз йиғлади.

Ҳамма ўғлимнинг қилган ишларини айтиб, мақтар эди. 22 ёшида жуда кўпчилигининг меҳрини қозонган, яхшилик қилиб улғурган камтар ўғлимнинг бу хислатларини аввал сезмаган эканман, — дея ҳикоясини туғатди Абдулло ота.

Улуғбек сингари мард ва жасур ўзбек йигитлари ҳалок бўлганидан гарчи ўкинса-да, уларнинг қаҳрамонлигидан фахрланамиз. Улар нафақат ота-онаси ва ақинлари, балки таниш-билишлари юрагида, халқимиз хотирасида абадий ашяпти.

Ахрор ОЧИЛОВ, капитан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қайси вилоят, туманда бўлиб, бу ерда истиқомат қилаётган қариялар билан учрашиб суҳбатлашсангиз, мустақил юртимизда улкан ўзгаришлар рўй бераётганини эътироф этади. Уларнинг юз-кўзида шукроналик, кўллари эса дуога очилади.

Ёзёвон туманининг Чўлигулистон қишлоғидаги отахон ва онахонларнинг самимий дил ихорларини тинглаб эканман, кўнглимдан: "Дунёнинг қайси мамлакатида қарияларни шунчалик даражада ардоқлашар экан?" деган фикр ўтади. Маҳалламизнинг ёши улуг онахонларидан бири Сарвинисо Самадова кўнглида борини оқизмай-томизмай сўзлайди.

— Пенсиямизни нақд етказиб бераётган инсонларга минг раҳмат. Муסיқа ва санъат мактабида ўқийдиган набирам Исомиддинга китоб сотиб олиши учун пул берсам, боласи тушмагур, суюниб кетди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Кексаликда шундай гап бор: «Ўғлимникини ўйлаб, қизимникини кийнаиб, ўзимникини ўйнаб ейман». Худога шукр, маҳалланинг у бошида ҳам, бу бошида ҳам дўкон. Ҳаракатда бўлсақ, соғлигимиз ҳам жойида, оёқ-қўлимизнинг чигили ёзилди. Келинларим ишдан қайтишига рўзгорнинг каму кўстини тўдириб қўяман. Оилангизда тўкинчилик бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат янада кучаяди...

Фаргона вилоятида нашр этиладиган «Ойдин» газетаси бош муҳаррири Хадича Каримова иш юзасидан менга ўхшаб ёшлар даврасида, пиру бадавлат отахон онахонлар хонадонига тез-тез бўлиб туради. Хадича опанинг кўллаб мақолаларида вилоятимиздаги ёши улуг кишиларнинг умр йўли изчи ёритилади. Зеро, чекка-чекка худудлардаги фахрийлар билан қилинган жонли мулоқот газета мазмун-мундарижасини ҳам бойитмоқда.

— Жамиятда ёши улуг кишилар алоҳида қатлам ҳисобланиб, уларнинг босиб ўтган умр йўли ўсиб келаётган авлодга ибрат мактаби бўлиши керак. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ана шу кўхна қадриятларимизни давлат сиёсати даражасига кўтармоқда. Фармонда кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар ва вазифалар белгиланган. Ушбу фармон ижросини таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига улкан масъулият оқлайди. Амалга оширилаётган хайрли ишлар тафсилотини ёритиш,

9-may — Xotira va qadrlash kuni

кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз ўрни бор. Газетамизда Фарғона вилояти меҳнат фахрийларининг, обрў-эътиборли онахонларнинг умр йўли ҳақида очерк ва лавҳалар бериб борамиз. Муштарийларга ижод намуналаримиз маъқул келмоқда. Қишлоқларимизда ўзига тўқ, савобталаб кишилар яшайди. Улар кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашади, ҳаттоки ўз хайр-саховати ҳақида ёзмаслигимизни талаб қиладиган камтар инсонлар бор. Пенсияерларимиз эса ўз нафақа пуллари билан оилалари фаровонлигини таъминлашмоқда, — дейди Хадича Каримова.

Хоразм вилояти, Хазорасп тумани Мухомон қишлоғида яшайдиган 90 ёшни қаршилайётган Зухра мома Жуманиёзованинг дилида шу қадар орзу-ҳавас кўпки, тинглаган киши кексалик фаслини бошдан кечираётган бу онахоннинг ёшига етсам, дея ният қиладди.



Кексалари сийланган юрт

— Эсимни танибманки, савдо-сотик билан шуғулланганман. Мустақилликка қадар кўрган қийинчиликларни гапирсам, ишонмай-сиз. Истиқлол тадбиркорлик билан шуғулланишимиз учун кенг йўл очиб берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифидан бутун хоразмликларнинг боши кўкка етди. Биз яшаётган заминга алломулар қадами теккан, уларнинг маънавий мероси бизга фахр-ифтихор ҳиссини беради. Шу юрт учун жон фидо қилган инсон кам бўлмайди. Аввало, ёшдан қатъи назар, ҳар бир киши ўз юрти, қишлоғи, овулининг тинчлигини таъминлашга ҳисса қўлини, дейман уларга.

Онахоннинг сўзларини 87 ёшли Дуржонной мома Жуманазарова давом эттиради:

— Ўшимиз бир жойга бориб қолди. Кексайганда ҳузур-ҳаловат истаб қолар экансан. Аммо умримиз мобайнида тўплаганларимизни ёшларга илинамиз. Ер билан тиллашдим, деҳқончилик қилдим, ҳосилнинг чўғи қачон банд бўлишини ўргандим. Турмуш ўртоғим билан бирга тер тўқдик, эл дастурхонига поллиз экинларини етказиб бердик. Етти нафар фарзанд — тўрт киз, уч ўғилни илк ёш давриддан меҳнат қилишига ўргатдик. Касби-кори бошқа бўлса ҳам, уларнинг барчаси деҳқончилик илмидан хабардор. Асал етиштириш технологиясини билади. Яна

бири шифокор, бири ўқитувчи, ишқилиб, жамиятдан ўзининг муносиб ўрнини толган. Улар бирор ишни режалаштирса, биз билан маслаҳатлашадилар. Баъзан "Дуо қилсангиз бўлди, онажон, бу ёғини ўзимизга қўйиб беринг, сизни уринтигимиз йўқ" дея бизни асраб-авайлашади.

Юртимизнинг қай бир гўшасида, қай бир ватандошимиз билан суҳбат қурманг, уларнинг фикри муштарак эканлигини илғайсиз. Наманган шаҳрининг Дамбоғ маҳалласида яшовчи Абдумуталиб ота Қосимовнинг сўзларига қулқот тутсақ, бу фикр яна бир бор ўз тасдиғини топади.

— Касбим муҳандис. Ёшим етмишда. Бир неча йил маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилганман. Катта авлод вакиллари юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, шу қадар қувонамизки, асти кўяверинг. Президентимиз қарга бормасин, халқимизнинг яшаш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни очик-ойдин кўрсатиб, бунга бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқ ва маслаҳат бермоқда. Ҳар бир қабул қилинаётган қарор мазмунига халқимиз учун муносиб ҳаёт тарзини яратиш билан боғлиқ масала сингдирилади. Кексалар учун кўрсатилаётган ғамхўрлик эса янада кучли.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамии

яти Наманган филиали директори Илҳомжон Тўхтабоев шундай дейди:

— Пенсия пулини олиш учун соатлаб навбатда турардик, бунга барҳам берилди. Филиалимиз ходимлари белгиланган манзил бўйича пенсионерларга нафақа пулини олиб бориб беришяпти. Кексалар хурсанд бўлса, дуо қилса, бизга шуниси кифоя. "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?" деган нақлнинг савобини ҳар бир алоқа ходими чуқур англайди. Ёлнинг кайфияти кўтаринкими, бу бизнинг ишимизга ижобий таъсир этади.

Йўлим тушиб, ёзёвонлик 85 ёшли Соттихон она Бойитованинг хонадонига кирдим. Уша кун почта ходимлари онахонга пенсия пулини бериб кетишган экан. Бунга кўрган невараларидан бири бувисини саволга тутибди:

— Бувижон, шунча пулни сизга ким берди?

— Вой, болажоним-а, ким бўларди, ғамхўр давлатимиз-да! Бутун умр меҳнат қилиб келганим учун мени сийлашади. Сен ҳам меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан, болам! — дея жавоб беради Соттихон ая ва шириндан-шакар неварасига беш минг сўм узатади: — Ширинлик олиб ерсан.

Ҳа, биз кексалари улуғланган юртда яшаймиз. Қариси бор уйнинг париси бор, дея таърифлаймиз. Мусоафго осмон остида, муқаддас ва табаруқ замин бағрида, кексалар дуосини олиб яшаётганимиз учун Яратганга минг қарра шукр! Шунинг учун ҳам толеи банд халқимиз.

Ўқтамжон СОЛИЕВА, Ёзёвон туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Қабр зиёрати қандай бўлиши керак?

Инсонни тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам эъзозлаш ибратли фазилатдир. Марҳумлар руҳи покани азиз тутиш, қабрларини зиёрат этиб, ободонлаштириш, ҳақларига Қуръон тиловат қилиб туриш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини арафасида юртдошларимиз қабристонларга бориб, вафот этганлар қариндош-уруғ ва ота-онаси руҳи покларини зиёрат қиладди, қабрлари атрофини обод этади.

Қабр зиёрати вақтида кишилар қуйидаги қоидаларга риоя этишлари талаб қилинади. Аввало, ниятни тўғри-ламоқ, ихлос билан, холис Оллоҳ учун зиёрат қилмоқ,

тоза-озода бўлмоқ шарт. Охиратни ўйлаш, қабр ахлига салом бериш, виқор билан, сокин юриш, қабрни босмаслик, устига ўтирмаслик шулар жумласидандир. Марҳум қабрига оёқ тарафдан келиб, ўнг тарафига туриш ва унга юзланиб салом бериш, тик туриб дуо қилиш, ўтган инсонларнинг яхши сифатларини эсга олиш, қайтишда вақтинчи бўлиш лозим.

Қабристонда мазорга чирок, шам, олов ёқиб, майитдан шифо, ҳожат сўраш, ёдгорлик тоши ва лавҳаларни ўпиш, латта боғлаш, уни айланиб тавоф қилиш, суратга тушиш, банд-бандан овозда, хушчақчақ гаплашиш, таом қолдириб кетиш, еб-ичиш, уввос солиб йиғлаш мумкин эмас. Майит руҳини шод этадиган Қуръон ўқиб, савобини аввало Оллоҳ таолога, қолаверса ўтганлар руҳига бағишлаш, дуога хайр қилиш, эҳсон ва садақа улашиш каби амаллар зиёратчига энгиллик бағишлайди.

Қабристонга борганда ҳар ким ўзига ўғит ва ибрат олиши лозим. Зеро, марҳумлар ҳам биздек яшаб ўтганлар, вақти-соати етиб, бу ёруғ дунёни тарк этганлар. Бир амалларига яраша бир қадар Оллоҳнинг ажри ёки укубатига дохил бўлган ҳолда ётганлиги ҳар бир инсонни фикр қилишга ундайди.

«Дунёда тинчлик барқарор бўлсин!»

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва меҳнат фахрийси Тожибой бобо Мадраҳимовга пул мукофоти ва автомашина сотиб олиш учун имтиёзли сертификат татаналди равишида топширилади. 93 ёшли отахоннинг байрамони кайфияти бутун хонадонини кўш нуридек қарақатиб юборди.

Данғара туманидаги Катта Турк қишлоғида яшовчи Тожибой ота обрў-эътиборли киши. 18 ёшида фашизмга қарши курашга отланган ўзбек йигити дастлаб Украина фронтдаги жангларда иштирок этиб, пўлатдек тобланиди. Сўнгра Польша ва Чехословакияни озод этишда, фашизмни ер билан яқсон қилишда кўрқмас жанчи эканлигини исботлади. Танкка қарши взвод жанчиси фашистлар танкини яқсон қилишда кўп марта сафдошларига ибрат қўрсатди. У кишининг жасорати муносиб баҳолашиб, бир қанча медаллар билан тақдирланган. Фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабани жасур ўзбек ўғлини Прагада севинч кўз ёшлари билан қарши олди.

Урушдан сўнг Тожибой Мадраҳимов Фарғона педагогика институтини битирди. Математика фанидан ёшларга сабоқ бериб, юксак эҳтиромга сазовор бўлган устоз Доимбод қишлоғидаги мактабни 8 йил бошқарди. 7 фарзандни улғайтириб, уларнинг 5 нафари олий маълумотли эканлигидан фахрланайди. Тожибой ота бугун 37 нафар набира ва 64 нафар чеваранинг суюкли бобосидир.

93 ёшли нуроний бобо бутун оламга тинчлик, Ўзбекистон халқига шоду хуррамлик тилаб, дуога қўл очади. Отахоннинг тилида дуоси қанчалик кўп бўлса, дилидаги шукронаси ҳам бундан кам эмас.

— Яратган менинг умримни зиёда қилди. Уруш балосини биз бошдан кечирдик, илҳомин, сизлар қўрманг, — дейди Тожибой ота бизга зийрак кўзларини қадаб. — Кундан кунга юртимиз яшаб, хонадонлар фазл-баракатга тўлмоқда. Бутун дунёда тинчлик барқарор бўлсин!

Маъмур Йўлдошев

Сиз билан фахрланамиз!

Эндигина 17 баҳорни қаршилаган Турғунбойнинг айни йиғитлик палласи жанг майдонларида кечди. У Ватан озодлиги учун ҳужумга шайланган. Россиянинг Смоленск шаҳрида мардонавор жанг қилди. Ҳали ёш, билаги куч-қувватга тўла бу йиғит жангаларда мардлик, жасорат кўрсатди. Оғир яраланиб, бир кўздан айрилди. Аммо бардоши буқилмади. Уйга қайтгач фронт ортида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди...

Бу йил 93 баҳорни қарши олган Турғунбой ота Бўтаев Президентимизнинг "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш" миқдорида Ватан осойишталиги ва озодлиги йўлида курашган инсонлар доимо қадрланган. Биз аждодларимизга муносиб авлод бўлиб, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини асраб-авайлашга ҳаракат қилганимиз бобомиз борлигидан фахрланамиз. Бахтимизга соғ-омон бўлинг!

Чексиз ҳурмат билан 3-"А" синф ўқувчилари". — Раҳмат, болаларим! Ҳақ гап, тинчлик — энг олий бахт. Унинг қадрига етиш керак, — дейди отахон ўқувчиларга юзланиб. — Сиз — бахтли авлодсиз. Шундай обод ва фаровон дийёрда камол топаёсиз. — Ўқиб-ўрганишингиз, касб-ўнор эгаллашингиз учун ғамхўрлик қилаётган давлатимиз, бағрикенг халқимиз бор. Аёло бахога ўқиб, астойдил интилсангиз, улкан марра сизники!

Турғунбой бобо билан учрашув ўғил-қизларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ҳурматли бобоюн! Сиздай чин инсон, асл қаҳрамон билан қўришганимиздан бах-

Раҳбарий МЕЛИБЕКОВА, Учқўрпик туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси

Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани Пахтакор маҳалласида йшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Элмурод ота Жўраевни вилоят ҳокимлиги, ҳарбий хизматчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини билан қўллаб, Президентимиз номидан совға-саломлар топширди.

Кўнгилдаги мамнуният



— Давлатимиз томонидан биз, фахрийларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз, — дейди Элмурод ота. — Саломатлигимизни тиклашимиз, фаровон турмуш кечиретишимиз учун яратилаётган шароит, доимий эътибор, иззат-эҳром ёшимизга ёш кўшмоқда. Тинчлигимиз тақдиримиз. Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2017"

Мамлакатимизда таълим ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, фидойи ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўриқ-танлови ҳам айни шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, энг илғор, ташаббускор ва билимли таълим фидойилари аниқлаб борилмоқда. Айни кунда танловнинг жорий йилги республика босқичи бўлиб ўтмоқда.

Танлов янгича кўринишда

Унда 95 нафар кимё, физика, тарих, математика, информатика, рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун), миллий истиқлол ғояси, рус, немис ва француз тили ўқитувчилари голиблик учун беллашмоқда.

— Танлов нуфузини янада ошириш, голибларни аниқлашда ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида уни ўтказиш тартибига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи Саидхорр Сейткамолов. — Жумладан, бу йил илк бор тест жараёни он-лайн тарзда баҳолаб борилди. Бунинг учун Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан тест жараёнини ташкил этиш ва натижаларини умумлаштириш бўйича махсус электрон дастур тайёрланди. Танлов жараёнини марказлашган ҳолда бошқариб бориш, ўқитувчилар билим савиясини ҳудудлар ҳамда фанлар кесимида таҳлил қилиш имконияти ошди. Биринчи турда 40 балдан юқори натижа кўрсатган иштирокчилар кейинги — ёзма иш шартида маҳоратини намойиш этди. Бунда умумий бешта саволнинг тўрттаси фан йўналиши бўйича бўлса, биттаси педагогик жиҳатдан ўқитувчи малакасини синашга қаратилган.

Мазкур синовдан ҳам муваффақиятли ўтган ўқитувчилар компьютер саводхонлиги бўйича лаёқатини амалда синаб, икки соат белгиланган вақтда намунали элект-

рон дарс ишланмаси яратди.

— 9-синфлар учун "Quantite" мавзусида дарс ишланмаси яратдим, — дейди Паркент туманидаги 6-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Сайёра Курбоналиева. — Ҳар қандай фан бўйича мукамал дарс ишланмасини қисқа муддатда энг сўнгги янгиликларни татбиқ этган ҳолда яратиш замонавий ўқитувчининг АКТ саводхонлигини талаб этади. Биз иштирокчилар жараёнда шу жиҳатдан ком-



петенцияларимизни намойиш этишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, барча шартлар бўйича ҳамкасбларимнинг иқтидори юқорилиги ва янгиликка ташналигини кўзатдим.

Кўрик-танлов голиблари бугун аниқланади.


Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сониде батафсил танишишингиз мумкин.

Насиба ЭРХОНОВА,
Шавкат ХУҲАҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари
В.ГРАНКИН олган сурат.

Ғолиблар республика босқичига йўл олди

Bilimlar bellashuvi

Ўзлаштирилган билим синовларда тобланади, мустаҳкамланади. Пириовардида, ўқувчини янги илм чўққиларини забт этишга ундайди. Умумтаълим тизимида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган билимлар беллашуви республикамизда минглаб ўқувчиларда ўқш, пухта билим олишга гайрат ва иштиёқ уйғотмоқда. Айни кунларда беллашувнинг вилоят(шаҳар) босқичи ўқувчиларни қизғин баҳсларга чорлади.



Жумладан, билимлар беллашувининг Тошкент шаҳар босқичида 428 нафар 7–8-синф ўқувчиси ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.

— Ўқувчиларнинг шижоати жуда баланд. Бу уларнинг билимга ташналиги, тиришқоқлиги ва аниқ мақсади борлигидан далолат, — дейди шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти Гулчехра Маманбоева. — Уларнинг билим ва кўникмаларини тўла намоеън этиши учун барча шарт-шароит яратилди. Билимларини холис баҳолаш учун илғор фан ўқитувчилари жалб қилинди. Муросасиз кечган беллашувда энг зукко ўқувчиларимиз беллашувнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Беллашувнинг Тошкент вилояти босқичида 472 нафар 7–8-синф ўқувчиси 16 фан бўйича билим ва иқтидорини синовдан ўтказди. Ўқувчилар билими фанлар йўналишига қараб, ёзма амали (лаборатория) иш ва тест саволлари шартлари бўйича синалди.

— Беллашувнинг умумтаълим мактабларида ўтказилган биринчи босқичида 170 минг 579 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, туман(шаҳар) босқичида қарийб 25 минг нафар ўғил-қиз ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларини намоеън этди, — дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси Дилноза Холмуродова. — Ўқув-

чиларнинг мусобақага бундай кенг миқёсда қамраб олиниши жойлардаги таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини таҳлил қилиш, билимдаги бўшлиқларни аниқлаш, фан ўқитувчилари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятини баҳолаш имконини беради.

Бу йил беллашувини ўтказиш тартибига киритилган ўзгаришларга кўра, тест топшириқлари онлайн тарзда олинди.

Урганч шаҳридаги 29-мактабда бўлиб ўтган билимлар беллашувининг Хоразм вилояти босқичига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Чекка туманлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланди. Уларнинг беллашув ўтказилаётган муассасига келиб-кейтиши учун махсус транспорт воситалари ажратилди.

— Мен ўзбек тили ва адабиёти фанидан билимларимни синовдан ўтказдим, — дейди Шовот туманидаги 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Айда Анварбекова. — Синов он-лайн тарзда — холис ўтганлиги биз учун жуда қулайлик туғдирди. Тест натижалари шу пайтнинг ўзидеёқ маълум бўлди. Мен ҳам голиб бўлдим.

Илҳом ЖҲРАЕВ,
Маҳмуд РАҲАБОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Мурожаатлар таҳлили эътибор марказида

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ҳар бир мурожаат эътиборда: Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига соғлиқни сақлаш тизими бўйича келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Мутахассислар аҳоли билан ишлаш тартиби, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, истиқболдаги режалар юзасидан маълумот берди. Айрим мутахассисларнинг лояқатлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган муаммолар таҳлил қилинди. Президентимизнинг виртуал қабулхонасига соғлиқни сақлаш соҳа-

си бўйича айни пайтгача келиб тушган 25 минг мурожаатнинг қарийб 93 фоизи ўз ечимини топгани, ҳар бир мурожаат шахсан Соғлиқни сақлаш вазири томонидан қўриб чиқилиб, назоратга олинаётгани ва қонун доирасида ҳал этилаётгани таъкидланди.

Матбуот анжумани очик мулоқот руҳида, ўзаро савол-жавоб тарзида бўлиб ўтди.

Журналист: — Кўпинча беморлар кардиология, урология каби тиббий марказларидаги текширув-

диагностика муолажалари, дори-дармонларнинг қимматлигидан нарзоз бўлишади. Бу борада аҳолига қулайлик яратиш, муолажа ва дори воситаларини арзонлаштириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

Мутахассис: — Айни пайтда давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам маҳаллийлаштириш сиёсати амалга ошириляпти. Олиб борилаётган ислохотлар келгусида аҳолига арзон ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконини беради.

Журналист: — Тахририятга Ғузор туманилик фуқародан шундай шикоят келиб тушди: "Қариндошимнинг операция қилинган

ошқозон яраси очилиб кетди. Дарҳол ҚВПга мурожаат қилдик. Улар техника харажати кўтаришимиз шarti билан касални шаҳар поликлиникасига олиб келди. Бироқ поликлиника шифокорлари жой йўқлиги сабаб беморни қабул қилолмасликларини айтишди. Шу тўғрими?"

Мутахассис: — Аввало ошқозон яраси очилган беморни қабул қилмаслик жиноятга тенг. Оғир аҳволда, тез тиббий ёрдамга муҳтож беморлар ҳар қандай ҳолатда, қўшимча жой қилиб бўлса-да қабул қилиниши керак. Техника масаласида тўхталадиган бўлсак, ҳозир республикамиздаги барча ҳудудларда тез ёрдам машиналари ягона автобазага бирикти-

рилмоқда. Ёнилғи-мойлаш харажатлари эса маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Журналист: — Баъзан ҳамширалар маоши камлигидан шикоят қилади. Бу борада қандай ишлар олиб бориляпти?

Мутахассис: — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамшираларнинг иш самарадорлигини аниқлаш бўйича рейтинг тизимини ишлаб чиққан. Келгусида мазкур тизим асосида уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўланиши кўзда тутилган.

Тадбир ташкилотчилари шу тарзда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига атрофлича жавоб берди.

Хасан МҲМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 3-may, № 35 (8996)

Болаликда "Алпомиш", "Гуруғли", "Ёзи билан Зебо", "Равшан ва Зулхумор" каби халқ дostonларини кўп ва хўб ўқиганмиз. Шундай бўлардики, янги китоб кўлимизга тушса, уни бошқалардан аввалроқ ўқиб чиқишга, ўқиганларимизни ўқимаганларга айтиб бериб, мақтанишга ҳаракат қилардик. Дostonлар овоз чиқариб ўқилганидан кейин муҳокама бошланар эди.

Эртақ китобларни айтинг. Қиротхонлар (ҳа, китобни ширали овозда кироат билан ўқийдиган одамлар бўларди) уларни бизга шундай ўқиб беришардики, ёвуз ниятли ялмоғизнинг кўрқинчили афт-башараси, очкўз девларнинг газаби, қароқчиларнинг дағдағаси шундоққина кўз ўнгимизда гавдаланиб, биз уларни деярли кўриб тургандек бўлардик.

Кейинчалик англаб етганим — эртақ ва дoston китобларни кўп ўқиган болаларнинг нутқи раван, фикрлаши тиниқ, ҳаёлот олами чексиз бўлар экан. Бундай бола улғайиб, вояга етгач, фарзандларига бирор-бир воқеани гапириб бераётганида ёшлиғида ўқиган ва шуурига сингган китобларидан мисоллар келтириб, нутқини янада таъсирли қилиб юборишига ўзим кўп бор амин бўлганман. Масалан, "Кеча темирчи бувадан битта ўроқ сотиб олдим, ўзиям Абу Муслимининг қиличидай келади" ёки "Ҳой бола, бу дейман, Алпомишнинг синглиси Қорасочга туя боқтирган Ултотозга ўхшаб босар-тусарининг билмай қолибсан-ку..." ва ҳоказо.

Ёшлар наشريётида ишлаб юрган кезларимиз қирғиз, қозоқ, туркман, грузин, рус, арман, Шри Ланка, шимол халқ эртақларини ўзбек тилига ўғирдим. Уғирдим, қизик бир нарсасига гувоҳ бўлдим — халқнинг миллий ўзига хослиги, илм тили билан айтганда, менталитети, маънавий-ахлоқий қиёфаси, урф-одатлари унинг эртақларида ҳам ақс этар экан. Чунончи, грузин эртағидаги дев билан ўзбек эртағидаги девнинг характерида бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бор: ўзбек дев "Саломинг бўлмаганда етти ямлаб бир ютардим", дейди. Грузин девни эса қуюқ салом билан ҳам шаштадиган қайтариб бўлмайди. Қирғиз ёки қозоқ дев бўлса, қўнғирқодек овозда ашула айтиб юборсанг, қўнгли бўшаб кетади. Халқ эртақларининг жозибаси, таъсир қудрати ҳам шундай бўлса керак.

Бошланғич синфларда ўқиётган кезларимиз муаллимларимиз бизни тез-тез эртақ тўқийша ундашар эди. Масалан, бирорта ҳикоят ёки ривоятини ярмигача айтиб, қолганини ўзларинг уйда тўқиб келинган, дея вазифа беришарди. Шундай вазифалардан бири ёдимда қолган: "Қадим ўтган замонда, Қорақалпоқ деган томонда бир подшо яшаб ўтган экан. Подшонинг учта ўғли бўлган экан. Бир куни подшо ўғилларини ёнига чақириб: "Болаларим, мен ёшимни яшаб, ошминни ошаб бўлай деб қолдим. Мендан кейин тахт сизларга қолади. Бугун эса ҳар бирингизга ўнтадан тилла танга бераман. Шаҳарга бориб ўйнаб-қулинглар, хоҳлаган нарсангизни сотиб олинглар, кайфичоғлиқ қилинглр. Бир ойдан кейин уйга қайтинглар. Қайтиб келгач, тилла тангаларни нимага сарфлаганингизни менга сўзлаб берасизлар. Кимнинг ҳижояси қизиқарли чиқса, тахтни ўшанга топшираман", дебди.

Уч ака-ука хурсанд, йул тadorигини кўришиб, отларига миниб ўч тарафга равона бўлибди. Катта ўйл шаҳарга келиб, роса бир ой машаат қилибди, бор пулини еб-ичиб битирибди. Уртанча ўғил отаси берган пулларга кўркам либослар сотиб олибди. Бошига кундузи телпақ, оёғига юқори мартабали зотлар кидяган баланд пошнали этик тиктирибди. Кенжа ўғил бўлса...".

Кенжа ўғил отаси берган пулларни қандай сарфлаганини биз ўзимиз-

ча тўқиб, эртақни давом эттириб келишимиз керак эди. Тўқиганмиз ҳам. Масалан мен, кенжа ўғил шоғирдиликка тушиб, бир ой ичида хунар ўрганибди, деб ёзганман. Кимдир эртақни "Кенжа ўғил бир дурадорга шоғирд тушиб, шаҳарда бир-икки ой

Эртақ ўқиётган ва пўқиётган бола

ундан ёмонлик чиқмайди

қолиб кетибди, акалари ундан хабар олишмабди, аксинча, тахтга битта меросхўр қамайди, дея хурсанд бўлишибди", деган мазмунда давом эттирган.

Бола ўзини эртақ қаҳрамонларига ўхшатиб, бир муддат ҳаёлот оламида яшаса, яхшилик нимаю ёмонлик нима, эзгулик нимаю гараз нима — бу тушунчаларнинг фарқига бора бошласа, бу, албатта, катта гап. Аммо фарқига бормай улғайса-чи? Ерга тушган ушоқни минг машаққат билан елқасида кўтариб бераётган чумолини эзгилаб ўтса, қушларнинг патини юлса, инини бузса, кучукчага озор берса-чи?

Ишончим комилки, эртақ, ривоят ўқиган, баъзан эса ўзи ҳам билганича эртақ тўқиган бола асло бундай қилмайди. Эртақ, халқ дostonлари, ривоят ва ҳикоятлар мурғак қалбларни одобга, меҳр-мурувватга, одиллик ва холисликка ундайди.

Яқинда бир ривоят ўқиб қолдим. Бир донишманд саҳрода сувсизликдан азоб чекиб бораётган экан. Қарши томондан келаятган карвон соҳиблари унга раҳм қилиб, бир пилёла сув узатишибди. Донишманд сувни ичмай, ниманидир кута бошлабди. Бунинг сабабини сўрашганида, у "Пилёла четида бир чивин чанқоғини қондирмоқда, унга халақит бергим келмаяпти", деган экан.

Китоб жавонимдан "Алпомиш" дostonини олиб, варақлай бошламан. Қани энди, набирам ҳам шу китобни ўқиса, дейман. Аммо китоблар олами остонасига энди-энди қадам қўяётган набиралар уни тушунишармикан? Шуни ўйлаб қоламан. Нега десангиз, дoston тилида болалар туғул, анча-мунча катталар ҳам тушуниши қийин бўлган сўз ва иборалар кўп. Бизга бугун Алишер Навоийни тушунишда унинг асарлари асосида яратилган изоҳли луғат қанчалар зарур бўлса, болаларимиз учун ҳам эртақлар, дostonлар тилини, тилсимини очувчи калит-изоҳлар шунчалар керак. Масалан, "Алпомиш" дostonи бўйича изоҳли луғат яратиш нега мумкин эмас? Халқ дostonлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган муҳтарам олимларимиз, фидойи муаллифлар бу масала ечимини топсалар, ёмон бўлмасди.

Эртақ тўқишни биласизми?

Болалигимизда ота-онамиздан эшитган эртақлар тез-тез ёдимизга тушади. Учар гиламлар, қанотли тулпорлар, ёвуз аждаҳо, ялмоғиз кампир, еб тўймас дев, улар билан тенгсиз жангга отланган баҳодирлар, болаларни тошга, айиққа, қурбақа

ёки бошқа бир ҳайвонга айлантириб қўядиган бераҳм сеҳрарлар, уларнинг кирдикорлари хотирамизга нақшланиб қолган.

"Зумрад ва Қиммат", "Ур тўқмоқ", "Қирқ ёлғон", "Уч ога-ини ботирлар"ни, халқ дostonларини, жангномаларни тунларни тонларга улаб ўқиганмиз, тинглаганмиз. Анча йўл босиб, туман марказидаги китоб дўконига келган янги саргузашт китобларни биринчи бўлиб сотиб олишга ҳаракат қилардик. Ичимизда эртақларни роса келиштириб, девларнинг кўрқинчи овозини, баҳо-

ларим, мен чарчаб қолдим, йўлдан ўтолмай турибман, ёрдамлашиб юборинглр", дебди. Валижон унамабди. Алижон бўлса "Хўп бўлсади", дебди-да, кампирнинг қўлидан ушлаб, йўлнинг нариги томонига ўтказиб қўйибди. Кампир "Раҳмат болам, сен жуда яхши бола экансан" деб, Алижонга совға берибди. Ака-ука уйга келиб, совғани очиб кўришса, ичида кўпгина ширинликлар бор экан, мазза қилиб ёйишибди. Валижон "Мен сендан каттаман, кўпроқ ёйишим керак", деб роса кўп ебди. Кўп еганидан қорни оғриб қолибди.

Эртаси куни ака-ука яна кўчага ўйнагани чиқишибди. Бир вақт кеча Алижонга совға берган кампир келиб қолибди. Валижонга "Болажоним, мен чарчаб қолдим, йўлдан ўтолмай турибман, ёрдамлашиб юбор" дебди. Валижон бўлса: "Ўзим чарчаб турибман, яхшии менга совға беринг", деб кўнмабди. Кампир: "Майли, болам, мана бу тугунин олгин-да, ўйингга бориб, ичинин оч", деб унга ҳам совға берибди. Ака-ука уйга қайтишибди. Валижон укаси Алижонга кўрсатмай совғани очибди. Очиб караса, ичи тўла чумоли экан, ҳаммаса югургилаб чиқиб, Валижонни роса чақишибди, роса чақишибди...".

Шу-шу, ҳар куни набираларга ака-ука Алижон билан Валижон тўғрисида турли воқеалардан иборат ўзим тўқиган эртақларни айтиб берадиган бўлдим. Битта эртақни ака-уканинг овқатланишига, яна биттасини уларнинг бошқа болалар билан дўстлашишига бағишладим. Алижон билан Валижоннинг қандай расм чиқишлари тўғрисидаги эртақ, айниқса, қизиқарли чиқди: "Алижон билан Валижонга ойиси расм чизиб учун қозоқ, бўёқ қалам олиб келибди. Алижон самолётнинг расминини жуда чиройли қилиб чизибди. Бир вақт самолётнинг моторлари гўмбурлаб ишлаб кетибди. Парраклари вариллаб айланибди. Қанотлари силкинибди. Кейин самолёт тилга кириб: "Алижон, сен мени жуда чиройли чиздинг, раҳмат сенга, қани энди ўтир, мен сени осмонга олиб чиқиб, юлдузларни томоша қилдираман", дебди. Алижон хурсанд бўлиб, самолётга ўтирибди. Юлдузларни роса томоша қилибди. Осмоннинг тепасида юлдузлар шунақа кўп эканки, Алижон уларни санамоқчи бўлибди, аммо санаб санагига ета олмабди.

Укаси самолётда мазза қилиб учиб, осмондан уйларига қайтиб келгач, Валижон мен ҳам самолёт расминини чизаман, деб роса шошилибди. Аммо у чизган самолёт ўнмабди. "Ҳой самолёт, нега учмайпсан, мен ҳам юлдузларни кўрмоқчиман?" деса, самолёт унга шундай жавоб берибди:

— Сен мени жуда ёмон чиздинг. Қанотларин қийиқ, битта гилдирамин синган, паррагим айланмайди, уча олмаيمان".

Шунда Валижон укасидан самолётда учирини илтимос қилибди. Алижон рози бўлибди, аммо самолёт кўнмабди. "Мен жуда кичкинаман, икки кишини кўтара олмаيمان, Валижон ўзи шошилмай чизиб олсин", деб туриб олибди...".

Ҳар куни ўйкуга етиш олдидан набираларимга ўзим тўқиган эртақимни айтаман, улар мириқиб тинглашади. Характерларидеги баъзи қусурларни дарҳол эртақка айлантираман. Гап ўзлари ҳақида бораётганини сезиб қолмасликларни учун эртақ қаҳрамонларига ҳар гал бошқабошқа ном қўяман. Кейин-кейин набиралар ҳам ўзларича эртақ тўқиб, менга айтиб берадиган бўлишди. Мухими, тўқима эртақлар кўп ўтмай уларнинг характериға ижобий таъсир ўтказса бошлаганини сездим. Бу тўғрисида эртақчи мутахассислар нима дейишар экан?

— Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда, биздан олис томонда Алижон ва Валижон деган иккита бола яшган экан. Алижон акаси Валижондан икки ёш кичик бўлса-да, жуда одобли бола экан, онасини хафа қилмас экан, овқатини тўқмай ер экан, ўйинчоқларини синдирмай экан. Уртоқлари сўраса, қизганмай, уларга ҳам ўйинчоқларидан бериб турар экан. Кийимларини кир қилмас экан. Валижон бўлса гапга кирмайдиган, қўлоқсиз бола экан. Онаси овқат олиб келса, "Овқат емайман, Конфет беринг", шоколад беринг, "Музқаймоқ ейман", деб хархаша қилавераркан. Отаси ўйинчоқ олиб келса, Алижонга бермай, бир ўзи ўйнаб, бир қунда синдириб қўяр экан. Онаси: "Ўғлим, кел, менга қарашвор деса", бунга ҳам кўнмас экан. Жуда тарбиясиз бола экан-да.

Бир куни ака-ука кўчада ўйнаб юришган экан, битта қари кампир олдиларига келиб, "Болаларим, бо-

Хунардан ризқинг унар

Олмасор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Апрель — эстетика фанлари ойлиги" муносабати билан "Қўнт билан ўрган хунар, хунардан ризқинг унар" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



Апрел — эстетика фанлари ойлиги

Тадбирда сўзга чиққан Халқ таълими вазирлиги Болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш шўъбаси раҳбари Азизбек Муталибов ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Элёр Мухомедов Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилояти ва шаҳримиздаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардан келган меҳмонларга фан ойлиги доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида айтиб ўтдилар.

Меҳмонлар фан ойлиги муносабати билан мактаб-интернат ўқувчилари томонидан ясалган бежирим буюмлар ва расмлар кўргазмасини катта қизиқиш билан томоша қилди. Шундан сўнг, иштирокчилар дарсларни кўзатишди. Уларга фанга доир дарс режалари, очик дарс ишланмалари, тарқатма материал, дастур ва ўқув адабиётлари берилди. Ўқитувчилар томонидан ўтилган ўн та мавзудаги очик дарс кўзатувчилар томонидан таҳлил қилинди. Айниқса, ёғоч ўймакорлиги йўналишида ташкил этил-

ган "Ихтиёрий композицияга ишлов бериш", тасвирий санъат йўналишидаги "Илк чечаклар" мавзусида акварелда расм чиқиш", дурадгорлик бўйича ўтилган "Лобзикда турли шакллар қирқиш" каби мавзуларни ўтишда ўқитувчилар ўз маҳоратларини яққол намойиш этди.

Тадбирда иштирок этган ЎСА Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари ҳам мактаб-интернатда ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар кўпчилигини алоҳида таъкидлашди. 6-"Б", 8-"В" синф ўқувчилари Бегзод Эгамбердиев ва Жалолиддин Эрматов Японияда ўтказилган халқаро кўргазмада совринли ўрин эгаллаганини айтиб, уларни табриклиди.

Тадбирда мактаб-интернат раҳбари Жамолiddин Фозилов иштирокчиларга миннатдорлик билдириб, фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўқитувчиларнинг келгуси фаолиятида асқотишини таъкидлади.

Дано Йўлдошева,
шу мактаб-интернатнинг
эстетика фанлари
методбирлашмаси раҳбари

Ноанъанавий усуллар

ўқувчининг математик билимини бойитади

Дарс аввалида мавзу бўйича маълумотлар интерфаол усулда ўрганилган, ҳар бир ойга мос келувчи сонлар аниқланади. Бу жараён олдинги ойнинг охириги санаси ҳафтанинг қайси кунига мос келишини аниқлашдан бошланади. Масалан, 2016 йилнинг 31 декабрь санаси ҳафтанинг 6-кунига тўғри келган. Демак, 2017 йилнинг январь ойига 6 сони мос келади. Кейинги ойларга ҳам мос равишда ундан олдинги ойнинг охириги санасига шу ойга мос келган сонни қўшиб, ҳосил бўлган йиғинди 7 га бўлинади. Яъни, февраль ойига мос келувчи сонни топиш учун январининг охириги санаси 31 га шу ойга мос кел-

келишини тақвимга қарамасдан ёддан айтиб бера олади. Бунинг учун айтилган санага шу ойга мос келувчи сон қўшилади ва ҳосил бўлган йиғинди 7 га бўлинади. Келиб чиққан қолдиқ ҳафтанинг қайси кунини эканлигини билдиради. Яъни, 1 душанбани, 2 сешанбани, 3 chorshanbани, 4 пайшанбани, 5 жумани, 6 шанбани, 0 якшанбани билдиради. Агар йиғинди 7 дан кичик бўлса, унинг ўзи ҳафта кунини билдиради.

Масалан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишини билиш учун 9 га май ойига мос келувчи 0 қўшилади (9+0=9). Ҳосил бўлган 9 сонини 7 га бўлсак, (9:7=1) 2 қолдиқ қолади. Демак, 9 май ҳафт-

Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
6	2	2	5	0	3	5	1	4	6	2	4

ган 6 сони қўшилади. 31+6=37. Ҳосил бўлган йиғиндини 7 га бўлсак, яъни 37:7=5 (2 қолдиқ) ҳосил бўлади. Қолдиқда қолган 2 февраль ойига мос келган сон бўлади. Қолган ойларга мос келувчи сонлар ҳам шу тарзда топилади.

Натижада 2017 йил учун кўринишдаги жадвал тузилади. Жадвални 622503; 514624 тарзида ёд олиш осон.

Бу сонларни билган ўқувчи ихтиёрий ойнинг маълум бир санаси ҳафтанинг қайси кунига мос

танинг сешанба кунига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишини аниқлаш учун декабрь ойига мос келувчи 4 сонини 8 га қўшамиз (8+4=12, 12:7=1). Қолдиқдаги 5 сонига қараб, 8 декабрь ҳафтанинг жума кунига тўғри келишини билиш мумкин.

Кўзимурод ДАМИНОВ,
Яккабоғ туманидаги
39-мактабнинг математика
ўқитувчиси

Муаммо ва камчиликлар муҳокамаси

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигига бағишланган очик мулоқот ташкил этилди. Иштирокчилар таълим-тарбия, даволат ва боланинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш юзасидан атрафлича фикрлашди.

Таълим муассасаларида нима сабабдан даволат пасайиб бора-япти? Бу савол бугун ҳаммани ўйлантириши керак. Энг аввало, ўқитувчиларнинг дарс ўтишда ноанъанавий усуллардан фойдаланмаслиги, ота-оналарнинг лоқайдлиги, маҳалла фаолларининг бепарқлиги каби муаммоларга ечим топилиши зарур. Тошкент вилояти таълим самарадорлиги бўйича республикамиздаги охириги ўринлардан бирида

эканлигининг асл сабаблари ҳам шунда. Даволати ва ўзлаштириши паст, тарбияси оғир ўқувчиларнинг оиласига, маҳалласига кириб бориш, фарзанд тарбиясига маъсул шахслар билан алоҳида суҳбатлашиш лозим.

Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Ж.Камоловнинг вилоят таълим муассасаларидаги муаммолар, вояга етмаганлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги

маърузаси, Қибрай туманидаги "Нурафшон" МФЙ раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси В.Маҳмудовнинг жўяли таклифлари, Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари Ш.Исмоилова ҳамда Т.Мўминовнинг ёш авлод маънавий онгини оширишда бўш вақтни мазмунли ташкил этиш юзасидан билдирган мулоҳазалари кун тартибидеги масала аҳамиятини янада оширди.

Фафур ЭШМОВ,
Гулбахор
Қўлдошева,
Тошкент вилояти
ХТХТМОИ
ўқитувчилари

Билимдон ўқувчилар беллашди

Ёшлар ижод саройида "Камалак" билимдонлари кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билимини бойитиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етуқ авлод этиб вояга етказиш мақсадида ташкил этилган танловнинг саралаш босқичларида пойтахтимиздан 227 та таълим муассасасидан 4—7-синфларнинг 25918 нафар ўқувчиси иштирок этди.

"Камалак" болалар ташкилоти Тошкент шаҳри кенгаши, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, "Баркамол авлод" болалар маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган беллашувда туман босқичларида голиб бўлган 11 жамоа



танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб ва ижтимоий лойиҳа шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Яқунги натижаларга кўра, Олмасор туманидаги 111-умумтаълим мактабининг "Нурафшон" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Озода РЎЗИКУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Фарзандингиз қайси касбга қизиқади?

Бугун ёшлар тарбияси масаласи ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 222-мактаб фаоллар залида 275-мактаб билан ҳамкорликда "Фарзандингиз қайси касбга қизиқади?" мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда иштирок этганлар бунга яна бир бор амин бўлдилар.

Тадбирда 275-мактаб директори М.Насретдинова, 222-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Д.Шомансурова, "Янги Авайхон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Йўлдошев ва бошқалар фарзанд тарбиясини яхшилаш, уларнинг касб танлашига қўмаклашишда таълим муассасаларининг ота-оналар ва маҳаллалар билан самарали амалий ҳамкорлигини

таъминлаш хусусида фикр юритдилар.

Мактабларнинг 9-синфини битираётган болаларнинг ота-оналари олдида таълимнинг кейинги босқичида фарзанди учун муносиб касб-хунар таълими муассасасини танлаш масаласи турди. Шу боис ота-оналар мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказилаётган "Очик эшиклар кунини" тадбирларида фаол иштирок этиб бу масалага оқилона ечим

топишлари мақсадга мувофиқ.

Тадбирда қизлар тарбиясига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Қиз бола тарбияси но-зик иш бўлиб, уни одоб-ахлоқли, ҳаёли, ва албатта, турмуш учун зарур касб-хунар эгаси этиб тарбиялаш талаб этилади.

Тадбир якунида ҳудуддаги Мирзо Улуғбек транспорт, информатика, технология касб-хунар коллежлари, ТМИ қошидаги молия академик лицейи ҳамда ТДТУ қошидаги 3-академик лицейи вакиллари таълим муассасалари фаолияти ҳақида маълумот бердилар.

Х.ОТАМУРОВОВА,
275-мактаб
психологи

2017-yil 3-may, № 35 (8996)

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 2017 йилнинг 15 июнь куни **"Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали инновацион тахдидларга қарши курашиш: профилактика, технология ва механизм"** мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

Анжуман куйидаги йўналишларда иш олиб боради:

1-йўналиш. Информацион тахдидларга қарши курашишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

2-йўналиш. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига инновацион тахдидларга қарши курашиш технологияларини жорий этиш.

3-йўналиш. Информацион тахдидларга қарши курашишда самарали инновацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари.

4-йўналиш. Таълим тизимига медиатаълимни жорий этиш ва унда инновацион тахдидларга қарши курашиш механизми.

Илмий-амалий анжуман материалларини тўплам шаклида чоп этиш режалаштирилган.

Анжуманнинг расмий тили: ўзбек ва рус тиллари.

Мақолалар матнини тайёрлаш бўйича талаблар:

1. Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, А4 форматли қоғозда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирган ҳолда тайёрланиши лозим.

2. Мақола матни сарлавҳасидан кейин муаллиф(лар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилиши, 1 интервал ташлаб асосий матн келтирилиши керак.

3. Мақолалар ҳажми А4 форматда 3—5 саҳифада 1 нусхада ва электрон вариантда 2017 йил 25 майгача тахдирдан чиқарилиб, юқоридаги талаблар даражасида ташкилий кўмитага етказилиши лозим.

4. Тақдим қилинадиган материаллар анжуман мавзусини акс эттириши ва қайси йўналишга мослиги кўрсатилиши керак.

Мақолада баён этилган маълумотлар, уларнинг илмий-назарий асосланганлиги ва методик жиҳатлари бўйича муаллиф(лар) масъулдир.

Мақолалар илмий савияси бўйича ташкилий кўмита томонидан танлаб олинади. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мақолалар анжуман материаллари тўпламига киритилмайди ва қўлёзмами қайтарилмайди.

Ташкилий масалалар ва анжуман материаллари тўплами муаллифларнинг олдиндан тўланган бадаллари ҳисобидан чоп этилади (мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун 10 000 (ўн минг) сўм тўланади).

Институт банк реқвизитлари:
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФИТИ).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги фазначилиги.

Ғазна х/р; 23402000300100001010.

Институт шахсий х/р:

40011086026277950100075004.

ИНН: 200794463; МҒО: 00014; ОКОНХ: 95110.

Анжуманнинг ўтказилиш жойи ва манзили: 100027, Ташкент шаҳри, Ислон Каримов شوққучаси — 98, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.

Телефон, факс: (0-371) 227-45-67, (0-371) 140-02-26.

E-mail: uzpfiti_anjuman@xtv.uz

Мурожаат учун: Мафтуна Ғафорова. Тел: (90) 970-26-99, (97) 710-64-53.

ТАШКИЛИЙ КЎМИТА

"Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида "Экология — болалар нигоҳида" мавзусидаги экофестивалнинг республика бошқичи бўлиб ўтди.



Экология — болалар нигоҳида

Ўқувчи-ёшлар онгида экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштириш ишларидаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган ушбу беллашувнинг ҳудудий бошқичларида "Баркамол авлод" болалар марказлари тўғарақлари ва умумий ўрта таълим мактабларидан 4500 нафарга яқин ўқувчи қатнашди. Фестивалнинг якуний бошқичида 64 нафар ўғил-қиз тўрт йўналиш бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

"Яшил сайёрамиз тақдирини ўз қўлимизда!" шiori остидаги дастлабки «Hand-made» йўналишида иштирокчилар қўл меҳнати ёрдамида яратилган бежирим ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди.

Тасвирий санъат йўналишида ўқувчиларнинг табиат манзаралари акс этган суратлари, мультимедиа йўналишида экологик муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган бир-биридан қизиқарли тақдимотлар намойиш этилди. Фоторасмлар йўна-

лиши бўйича тақдим этилган ижодий ишлар мавзуга мослиги, гоёнинг оригиналлиги, техник талабларга мувофиқлиги каби мезонлар асосида сараланди.

— Экофестивалнинг «Hand-made» йўналишида "Экология: кеча, бугун, эртага" номли композиция билан қатнашдим, — деди Сардоба туманидаги 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, "Моҳир қўллар" тўғарақи аъзоси Нодира Балқиева. — Унинг мазмунига жонли табиат озор чекишининг олдини олиш учун бирлашиб, уни боғу бўстонга айланттиришда шахсий намуна кўрсатиш гоёси сингдирилган. Тўғарагимиз раҳбари Саодат Қурбонова кўмагида турли яроқсиз ва буюмлар ва табиий хомашёдан яратилган ижодий ишим тенгдошларим учун қизиқарли бўлди.

Тадбир якунида гоилиб ва совриндорларга Халқ таълими вазирилигининг диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Дилдора СУЯРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

«Янги интеллект — 2017»

ЭНГ ЯХШИ ИХТИРОЛАРНИ САРАЛАБ БЕРДИ

Пойтахтимиздаги "Radisson Blu" меҳмонхонасида энг яхши интеллектуал мулк объектини аниқлаш учун ўтказилган "Янги интеллект — 2017" танловининг жорий йили гоилибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар дунёда саноат ишлаб чиқариши юқори босқичга кўтарилган мамлакат қудрати унинг илмий салоҳияти билан белгиланаётган бугунги кунда юртимизда илмий-техник ижодкорлик, инновацион фаолиятни ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 20 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иختиролар, саноат намуналари,

фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда интеллектуал мулкнинг бошқа объектиларини ҳимоя қилиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, соҳада халқаро миқёсда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда дастуриламал бўлмоқда.

— Янги дори воситалари, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ёки алоқа воситалари каби ҳар қандай инновациялар турмуш фаровонлигини яхшилайди, ҳаётимизга ҳавфсизлик, осоийшталлик ва қулайлик олиб киради, — дейди Интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази директори ўринбосари Гузал Вапаева. — "Янги интеллект" танлови инсон онгининг қудрати натижасида яратилаётган янги технологиялар, то-

варлар ҳамда рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқариш ни янада фаоллаштириш, соҳага инвестицияларни жалб этишга хизмат қилаётгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бу йил танловда иштирок этиш учун 172 та талабнома келиб тушди. Уларни баҳолашда энергия ва ресурсларни тежаш, замонавий технологиялар ва янги материаллардан фойдаланиш, иختиронинг экологик ҳавфсизлиги, ижтимоий аҳамияти, экспортга мўлжаллангани, импорт ўрнини бошиши каби мезонларга таянилди.

Танловда "Энг яхши иختиро", "Энг яхши фойдали модел", "Энг яхши саноат намунаси", "Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси" номинациялари бўйича гоилиблар аниқланди.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

«Жаҳон адабиёти» йигирма ёшда

Эзгу ишлар, инсонларга наф келтирувчи хайрли тадбирларни эшитганда бир қувонсак, амалдагисини кўриб, ўн қарра суюнамиз. Бу йил ўзбек китобхонларига жаҳон халқлари адабиётининг сара намуналарини тақдим этаётган "Жаҳон адабиёти" журнали йигирма ёшга қаршилади. Шу қўтлуг сана муносабати билан юртимиздаги маънавият-маърифат масканларида шеърхонлик кечалари, атоқли адиблар, мутаржим устозлар билан ижодий учрашув, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Хоразм вилояти телевидениесига эфирга узатилган кўрсатувда журнал бош муҳаррири Шўҳрат Ризаев ушбу нашрнинг ташаббускори сифатида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов, атоқли адабиётшунос Озод Шарафидинов хизматларини эътироф этар экан, жаҳон адабиётдаги бадий етук асарларни чоп этиш орқали миллий тафаккурни янада такомиллаштириш, жаҳондаги адабий-бадий жараёни ҳолис ва ҳаққоний таҳлил қилиш ва унинг сара намуналаридан ўқувчиларни баҳраманд этиш, ўзбек адабиётининг янги ижодий тажрибалар орттириши учун шариот яратишда журналнинг беқис ҳизмат қилиб келаятиганини таъкидлади.

Бугун адабиётга, маънавиятга эътибор туйғайли Хоразм вилояти бўйича 100 дан зиёд

китоб дўконлари фаолият юритмоқда. Воҳанинг энг чекка ҳудуд, қишлоқларида китоб савдоси бўлимлари иш бошлаётди. Бу борада юртимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг имконият яратиб берилгани аини мўъжад.

Вилоят бўйлаб ўтказилган тадбирларда устоз таржимон Иброҳим Ғафуров, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, халқ шоири Маҳмуд Тоир, филология фанлари доктори Баҳодир Карим, адиб ва драматург Қўчқор Норқобил, ёзувчи Шўҳрат Макаримов ва бошқалар Хоразм Маъмур академиясига таширф буориб, "Жаҳон адабиёти"нинг мамлакатимиз маънавий ҳаётдаги ўрни, таъсири нечоғлик экани, журналининг бундан кейинги вазифалари қандай бўлиши хусусида фикр билдирдилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида байрам Археология ва тарих музейи зиёратидан бошланди. Сўнгра меҳмонлар мухташам санъат саройида ёшлар учун яратилган шариотлар билан танишиб, ўқувчилар, адабиёт ихлосмандлари билан дилдан суҳбатлашди. Эллиққалъадаги ёш, бири-бирдан зукко ўқувчиларнинг мушоира, шеърхонлик баҳслари даврага фойз берди.

"Жаҳон адабиёти" журналининг 20 йиллиги тантаналари давом этмоқда.

Даврон РАЖАБ

Шогирднарвар педагог

Бугун ўқирманни фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган, руҳан бойитадиган, лозим пайтда сабоқ берадиган инсоний тақдирлар халқ педагогикасининг мазмунини бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Талабалар қобилиятли, истеъдодли, ўз касбининг мохир устаси бўлган, ҳаётий тажрибаларини касбий билимлари билан уйғунлаштириш олган инсонлар тақдирига кўпроқ қизиқишади.

Ўзининг 53 йиллик мазмунли ҳаётини педагогика фани тараққиётига ҳисса қўшишга бағишлаб келаётган олим, юзлаб шогирдлар устози Омон Сувонов шундай фидойий инсонлар сирасига қиради. Домланинг биринчи ютуғи мулоқот одобига ҳаётини амал қилиши ва билимдонлигидир. Муролага иштиёқ ҳам устознинг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланган. Моҳир педагог сара асарларни ўқиб-ўрганиш баробарида шогирдларига ҳам яхши китобларни совға қилади. Шу йўл билан ёшларни муролага ундайди.


Омон Сувонов Гулистон давлат университети педагогика институти сифатида ташкил топган кундан буён бўлғуси мутахассисларга педагоги-

ка фанидан сабоқ бериб келмоқда. Айни пайтда аънанавийликдан замонавийликка ўтиш, давр нафаси билан ҳамоҳанг фаолият юритиш ҳамда янгича тафаккур билан инновацион ёндашувларни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш ҳаммаининг ҳам қўлидан келмайди. Домла эса "Таълим

Fanimiz fidoyilari

тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш бўйича университет профессор-ўқитувчиларига маърузалар ўқиб, семинар-тренинглар ташкил этмоқда. Кўплаб дарс кузатувлари ва таҳлиллари орқали бой педагогик тажрибасини ёшларга ўргатаётди.

Ўтган йиллар давомида устоз мураббийнинг 160 дан ортиқ илмий, илмий-амалий мақолалари, ўндан ортиқ ўқув-методик қўлланма ва тавсиялари ҳамда "Ўзбекининг туркман-юз эли ва унинг шараси" номли монографияси (хаммуаллифликда) чоп этилди. Давлатимиз тажриба-



ли педагогнинг камтарона хизматларини муносиб қадрлаб, "Шўхрат" медаллари билан тақдирлади.

Айни пайтда ёр-дўстлари даврасида 75 ёшни қарши олаётган серкирра педагог Омон Сувоновда шогирдлари ўрганишга янги-янги билимлар бисёр. Бу хазинани улаштириш учун домланинг куч-ғайрати, шижоати етади.

Ориф АЮПОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент
Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ,
педагогика фанлари
номзоди, доцент

Ҳаётига мазмун бағишлаган педагог

Донишманд Пифагор ўтган кун ҳақидаги саволга жавобан: "Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим нималарга улгуролмадим, деган саволга жавоб топмагунча кўзларинг ўйқуга кетмасин", деган. Устоз педагог Кўпайсин Ҳўжамбердиев ҳам ўтган вақтини сарҳисоб қиладиган, ишидан мазмун топиб яшашни аъмолига айлантирган инсонлардан. У мактабда ўқиб юрган чоғлариёқ ўқитувчилари сингари меҳрибон, талабчан, билимдон педагог бўлишни мақсад қилди. Эзгу ниёти бўлғуси муаллимни Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги Наманган давлат университети) сари етаклади. Интилувчан йигит олий таълим муассасасида сирдан ўқиб билан бирга, аввал Чортоқ туманидаги 69-мактабда ёшлар етакчиси, сўнг бошланғич таълим ва математика фани ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Институтни муваффақиятли тугатиб, ҳарбий хизматдан қайтганидан кейин Кўпайсин Ҳўжамбердиев Чортоқ шаҳрида янги очилган 111-хўнара-техника билим юртида директор ўринбосари вазифасида ишлади. Устоз тумандаги 65-мактабда директор этиб тайинлангандан сўнг қисқа вақт ичида муассасадаги таълим-тарбия ишлари эл тилига тушди. Вилоят, республика



семинарлари ўтказилиб, иш тажрибаси оммалаштирилди.

Мактаб жамоасининг иши юқори баҳоланди. Орадан тўрт йил ўтгач, Кўпайсин ака Чортоқ шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудири вазифасига ўтказилди. У янги вазифада мактабларнинг методик ишларига раҳбарлик қилиш, ўқитувчиларнинг илор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Кўпайсин Ҳўжамбердиев "Қўлда атлас тўқши", "Гилам тўқши", "Ганч ва ёғоч ўймакорлиги" каби ўнга яқин халқ хўнарамандчилиги оид касблар бўйича ўқув-режа ва дастурлар тайёрлади. 1999 йили касб-хўнара коллежлари учун "Газ ва электр жиҳозларини таъминлаш" мутахассислиги бўйича ўқув режаси ва дастурини тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Устоз педагог таълим ходимлари учун амалий-методик ёрдам тариқасида "Илор педагогик тажрибалар манзиллари", "Ўрта махсус, касб-хўнара ўқув юрларида методик ишларни ташкил этиш", "Кафедра мудирининг ҳамроҳи" номли методик қўлланмалар муаллифи. Устоз 70 ёшида ҳам жамоат ишларида фаол иштирок этмоқда.

Аброр УМАРКУЛОВ

Elda aziz

бағишланган кўплаб мақолалари, айниқса, ҳаммуаллифликда яратган лугатлари: "Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати" (1976), "Қисқача русча-ўзбекча ҳарбий терминлар лугати" (1994), "Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш лугати" (1995), "Иш юритиш. Русча-ўзбекча-инглизча лугат" (2005), "Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик лугат минимум" (2005), "Иш юритиш бўйича электрон лугат" (2006) олимнинг ўзбек тили терминологияси ривожига қўшган ҳиссасини аниқ кўрсатиб турибди.

Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли лугатини тузишга масъул муҳаррир этиб Абдуваҳоб Мадвалиевнинг тайинланиши ҳам унинг чинакам лугатшунос сифатидаги хислатларини очиб беради. У барча ҳарфлардаги байналмилал,

арабча, форсча ва бошқа чет тиллардан ўзлашган сўзларнинг биринчи манба тилда қандай ёзилиши, ўша тилдаги асл ва лугавий маъносини аниқлаб, улар ҳақида мумкин қадар тўлиқроқ этимология маълумот беришга ҳаракат қилди. Лугатда келтирилган сўзларнинг этимология таҳлили олий номи билан боғлиқ.

Расмий иш услуби тилини шакллантиришда ҳам олимнинг хизматлари беқиёс. ХХ асрнинг 30-йилларида эълон қилинган айрим лугатларни хисобга олганда, бу соҳада айтириш жиддий изланиш олиб борилмаган, бирор-бир оммабоп қўлланма яратилмаган эди. 1990 йили биринчи марта "Ўзбек тилида иш юритиш" деб номланган оммабоп қўлланма яратилди. Мазкур қўлланма 2000—2016 йиллар оралигида саккиз марта нашр этилди.

Олим ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари бўйича тадқиқотларини изчил давом эттириб, ҳаммуаллифликда "Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари"ни ишлаб чиқди. Мазкур қоидалар кўплаб ўзига хосликлар: ўзбек тилшунослигида илк бор тиниш белгилари гап боши, ўрта ва охирида келишига кўра тавсифлангани, тиниш белгиларининг шу хусусиятига асосланиб ёритилгани билан ҳам аҳамиятлидир (ушбу тадқиқот лойиҳа сифатида "Ma'rifat" гезетасининг 2015 йилги сонларида туркум мақолалар тарзида эълон қилиниб, жамоатчилик фикрига ҳавола қилинган).

Заҳматқаш ва зукко олим, таниқли терминшунос ва лугатшунос Абдуваҳоб Мадвалиев 2002 йили "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланган. Олимнинг изланишлари бизни илм-фанга синчков ёндашишга ундайди, сўз масъулияти ҳар недан устун эканини эслатиб туради.

Неъмат МАҲКАМОВ,
Ёрқинжон ОДИЛОВ,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти етакчи илмий ходимлари

Инсон умрини қанча яшаб ўтгани билан эмас, қандай яшаб ўтгани билан хотирланади. Ҳар эзгу амали тилга олинган экан, кўз ўнгимизда ўша инсоннинг бўй-баста, қиёфаси тугал гавдаланади. Бу ҳам бaxт, аслида. Ана шундай мазмунли яшаб ўтган жонқуяр кишилардан бири — атоқли олим, филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расуловдир.

Домла билан бир маротаба суҳбатлашган инсон у кишининг қувваи хофизасига қойил қоларди. Абдуғафур ака суҳбатдошини шундай сеҳрлаб қўярдики, дарсига маҳлиё бўлиб биз талабалар вақт ўтганини сезмай ҳам қолардик.

Устоз нафақат бизнинг, балки ўз фаолиятига ҳам танқидий ёндашар, улгуролаётган ишлари ҳақида куюниб гапирарди. Айниқса, филология факультетида декан бўлган йиллари тартиб-интизомни айтмайсиэми: ҳамма ўзига нисбатан талабчан бўлиб қолганди.

Устоз бизга жаҳон адабиётининг

сара намуналарини кўпроқ мутолаа қилиш кераклигини бот-бот уқтирарди. Маърузаларидан бирида аудиторияга юзланиб: "Қани, муҳтарам талабалар, Нобель мукофотини олган шоир ва ёзувчилардан кимларни биласизлар?" деб сўради. Биз эса

— сиртки бўлим талабалари ҳам бўлган аудитория жимиб қолдик. Ҳеч ким миқ этмасди. Ўзимга ишониб-ишонмай қўлимни кўтардим. Абдуғафур ака гапиринг дегандек, жавоб айтишга имлди. Ўзим билган бир неча шоир ва адиблар номини тугила-тугила санай кетдим. Шунда устоз аудиторияга жиддий қараб: "Ҳар ҳолда жаҳон адабиётини озгина билар экан", деб ўтиришга ружсат берганди. Эсламан, ушандан кейин бугун курс мук тушиб, дунё адабиётини ўқишга киришиб кетгандик.

Yaxshilar yodi

Домла яна мумтоз асарларни ўқишни, уқишни талаб қиларди. Ўзбек қиссачилиги ҳақида тўққинлаб гапирарди. Бу борада мақолалар ва тақрирлари-да бисёр эди. Матбуотда

эълон қилинган қиссалар ҳақида аjoyиб чиқишлар қилиб, ёзувчиға ўз маслаҳати ва тавсияларини беришни қанда қилмасди. Устоз, шунингдек, ўтган асрнинг 80-йилларида телевидениеда "Иншони қандай ёзиш керак?" кўрсатувини ҳам олиб борарди. Дастур ҳамроҳи атоқли адабиётшунос, академик Бахтиёр Назаров эди. Домлаэмиз йил этган истеъдодни кўрса, уни юзага чиқариш учун қўлидан келган ёрдамини аямасди. Бир гал талабалар билан эркин мулоқотда шундай деганди: "Агар ҳар бир курсдан икки-уч яхши шоир ё ёзувчи

чиқса, бу — катта гап. Талабаларим орасида жаҳон эътироф этадиган бир ёзувчи-шоир етишса, ўтган умримга заррача ачинмасдим".

Абдуғафур ака яна шундай дерди: "Истеъдодли одамға қийин, ўз йўлини топишда унга қўмақлашиш керак". У киши ишлайдиган жойда аjoyиб ижодий муҳит ҳўкмрон эди. Ҳар ким фикрини эркин баён қила олар, мулохаазалар ўртага ташланарди. Бу кафедрада Умарали Норматов, Абдулла Улуғов, Раҳматилла Иноғомов каби қўпгина етук олим ва мунаққидлар ҳам жиҳватликда фаолият олиб боришарди...

Хуллас, устоз кафедранинг жонитани эди. Уни ҳамиша талабалар қўршовида кўрардик. Кимгадир маслаҳат, йўл-йўриқ бераётган буларди. Сираям эринмасди. Салобатли, қалби дарё бир инсон бир сўз билан айтганда ўзбек адабиётининг чинакам жонқуяри эди. Устоз илм-фан, адабиётни умр мазмунини деб билди ва шундай яшаб ўтди.

Рустам МАННОПОВ

2017-yil 3-may, № 35 (8996)

Саломатлик сари олға

Юртимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан «Саломатлик сари» оммавий югуриш тадбирлари ўтказилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли ёш тоифалари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, шу орқали оилаларда ва меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш каби мақсадлар йўлида ташкил этилган ушбу саломатлик акциясида ўттиз беш мингга яқин турли соҳа ходимлари, фахрийлар, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этиди. Мусобақа Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бир вақтда бошланди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида бўлган мусобақаларда тўрт мингдан зиёд иштирокчи Миробод туманидаги Нукус ва Ойбек кўчалари чорраҳасида ўз матонати ва тезкорлигини синаш учун жам бўлди. Старт берилгач, Ойбек, Афросиёб, Шароф Рашидов, Ислом Каримов кўчалари бўйлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрига қадар бўлган 2,8 километрлик масофани босиб ўтди. Эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган оммавий югуриш мусобақаларида 18—30, 30—45 ҳамда 45 ва ундан юқори ёшлилар ўз имкониятини синиб кўрди. Яқунда голиб ва совриндорлар

тақдирланиб, тантанали тадбир ўтказилди. Шунингдек, «Энг ёши улуг иштирокчи», «Энг ёш иштирокчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун» сингари номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, эсдалик совғалари берилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган оммавий югуриш мусобақасида қорхона, ташкилот ва муассасалардан мингдан ортиқ ишчи ходимлар, талабалар қатнашди.

Мусобақа якунига кўра, 18—30 ёшдаги иштирокчилардан Нукус шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Куўниш Оразимбетов, Эликкальва тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Ғулоил Илясова, 30—45 ёш тоифаси бўйича Қанликўл қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси Аллаяр Ембергенов, Нукус шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Бибиайём Байназарова, 45 ва ундан юқори ёшдагилардан 5-оилавий поликлиника ходими Гулнара Атажанова, Нукус спорт коллежи ўқитувчиси Ислом Абдуллаев фахрли 1-ўринни эгаллади.



Ўзбекистонлик ўқувчилар 2-ўринда!

Авал хабар берганимиздек, Руминиянинг Ясси шаҳрида ўтказилган 7, 9, 11, 13, 15 ва 17 ёшгача мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мактаб ўқувчилари терма жамоаси ҳам қатнашди.

Эътиборлиси, вакилларимиз стандарт шахмат мусобақасида 3 олтин, блиц йўналишидаги бахсларда 1 олтин, 1 кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Хусусан, 7 ёшгача ўғил болалар ўртасида кечган бахсларда иштирок этган Юнусобод туманидаги 154-мактабга-

ча таълим муассасаси тарбияланувчиси Хумоюн Бекмуродов стандарт шахмат мусобақасида 9 имкониятдан 8,5 очко жамғариб, чемпионатда мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди ҳамда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

9 ёшгача қизлар мусобақасида Самарқанд шаҳридаги 42-мактаб-

нинг 1-синф ўқувчиси Афрўза Ҳамдамова ҳам стандарт, ҳам блиц йўналишида олтин медаль билан тақдирланди. У ҳозирги кунда ўз ёш тоифасида жаҳоннинг энг яхши шахматчиларидан бири эканини исботлади.

2016 йили 14 ёшида катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб, ўзига хос рекорд қайд этган истеъдодли шахматчимиз, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 5-синф ўқувчиси Нодирбек Ёқуббоев мактаб ўқув-

чилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасига олтин медаль келтириши учун олиб борилганини исботлади. У 15 ёшгача ўғил болалар ўртасида стандарт шахмат йўналишида жаҳон чемпиони бўлди.

Терма жамоамиз ҳисобига ягона кумуш медални (9 ёшгача, блиц йўналишида) Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 94-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Алихон Авазонов келтирди.

Хусан НИШОНОВ

Мусобақа сўнггида Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ташкил этган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Оммавий югуриш тадбири Жиззах вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Шу кун эрта тонгдан Шароф Рашидов номидаги шохкўча спорт ишқибозлари билан тўлди.

Барча ёшдаги 516 нафар ишчи-ҳодим ва талаба иштирок этган кимўза «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан старт олиб, «Сўғдийна» спорт мажмуасигача давом этди.

Мусобақа ниҳоясида ўз ёш тоифасида Жиззах транспорт алоқа касб-хунар коллежи ўқувчиси Висола Абдуллаева, Жиззах политехника институти талабаси Роман Штукан голиб бўлди. Голиб ва совриндорларга вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Наманганнинг Амир Темур ва Бобороҳим Машраб номидаги кўчалари вилоят марказини кесиб ўтувчи ҳаракат зич йўллاردан. «Саломатлик сари» оммавий югуриш тадбири айнан шу манзилда бўлиб ўтди.

«У фаввора» жойлашган икки кўча чорраҳасидаги Наманган темир йўл вокзали эса иштирокчилар учун ўзига хос финиш вази-фасини ўтади.

Байрамона руҳда ўтган марафонда 1200 дан зиёд иштирокчи жамланди. Соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган бахсларда турли ёш тоифасида жами 18 нафар голиб ва совриндорлар аниқланди.

Улар мусобақа якунида муносиб тақдирланди. Тадбир таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар, бадийи жамоалар ижросидаги концерт дастури билан ниҳоясига етди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
Абдусаттор СОДИКОВ,
Ганишер АКБАРОВ**



ЖОШУА ТАЙСОНГА ҚАРШИ

«Sky Sports» нашрида ёзилишича, британиялик боксчи Энтони Жошуа навбатдаги рақибни юртдоши Тайсон Фьюри бўлишини хохлаяпти.

«Тайсон Фьюри жуда кўп гапириб юбормоқда. У боксга қайтишни истайди. Мен эса яна 90 000 томошабин қаршида галдаги жангимни ўтказмоқчиман», деган Жошуа. Эътиборлиси, Т.Фьюри унинг чорловини қабул қилган.

— Бизнинг жангимиз 500 йилликнинг энг йирик муштлашуви бўлади, — деб изоҳ ёзган Т.Фьюри «Twitter»даги саҳифасида.

Эслатиб ўтамиз, 27 ёшли Жошуа Лондондаги «Уэмбли» стадионида ўтган учрашувнинг 11-раундида украиналик Владимир Кличкони техник нокаутга учратиб, WBA, IBF ва IBO таснифидаги чемпионлик камарларини қўлга киритди.

Жошуа шу пайтгача 19 жанг ўтказиб, барчасида рақибларини нокаут қилган. 28 ёшли Т.Фьюри ҳам 25 та жангининг барчасида (18 нокаут) ғалаба қозongan.

БИРИНЧИ СОВРИН

«Формула-1» бўйича Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Гран-при мусобақасида «Mercedes» жамоаси аъзоси, финляндиялик Валттери Боттас ғалаба қозонди, дея хабар берилди «Лента» манбасида.

Ушбу ютуқ Валттери учун бутун фаолиятидаги дастлабки соврин экани билан ҳам эътиборлидир.

Иккинчи ўрин тажрибали немис пойгачиси Себастьян Феттель («Ferrari»)га насиб қилди. Кучли уқликдан унинг жамоадoshi Кими Райкконен (Финляндия) жой олди. Британиялик таниқли спортчи Льюис Хэмилтон («Mercedes») эса маррага тўртинчи бўлиб етиб келди.

Навбатдаги Гран-при пойгалари Испанияда 12—14 май кунлари ўтказилади.



МАРИЯ ТЕННИСГА ҚАЙТДИ

Таниқли рус теннисчиси Мария Шарапованинг дисквалификация мuddати тугаб, Штутгарт шаҳрида кечган халқаро турнирда иштирок этгани ҳақида Хотинкизлар теннис ассоциацияси (WTA) расмий сайтида ёзилди.



30 ёшли Шарапованинг 15 ойлик дисквалификацияси 26 апрелда ниҳоясига етди. Шу боис у ютуқ жамғармаси 700 миң АҚШ долларини ташкил этган турнирда қатнашиб, ярим финалгача етиб келди ва финал оstonасида франциялик Кристина Младеновичга 6:3, 5:7, 4:6 ҳисобларида енгилди.

Шунга қарамай, тажрибали ракеткачи спортга қайтгани ва кортдаги хатти-ҳаракатларидан хурсандлигини билдирди.

Нурия ХАЙРУЛЛАЕВА тайёрлади.

ОЛОВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Баҳор ва ёз фаслида кунларнинг исиси одамлардан одатдагидан ҳам хушёрроқ бўлишини тақозо этади. Бундай пайтда оловдан фойдаланиш техникасига риоя этмасак ёнғин хавфи ортиши аниқ.

Ёнғин шубҳасиз даҳшатли фалокатлардан биринчиси. У кишиларни ўз яқинлари ва мол-мулкидан айирадиган офат.

Табийиқи, ёнғин қачон ва қаерда содир бўлишини олдиндан айтиш мушкул. Бироқ уни келтириб чиқарувчи сабаблар бисёр. Бу эса эҳтиёткорлик чораларини янада кучайтириш лозимлигини аңглатади.

Хусусан, катта ёшли инсонлар, айниқса, уй бекалари эҳтиёткор бўлиши, газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя этиши зарур. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳолининг тинчлик-хотиржамлиги ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш, турли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча юртдошларимизга мавсум «инжиқлик»ларини ҳисобга олиб, олов манбаларини қаровисиз ва эътибордан четда қолдирмасликларини яна бир бор эслатади.

**Ф.САЙДУЛЛАЕВ,
12-ХҲХО 24-ХҲХК катта инспектори, сержант**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ ахбороти

«PAXTA TRANS SERVIS» МЧЖ балансидаги д/р 01/939 HAA бўлган «Нексия»; д/р 01/443 SBA бўлган «Нексия»; д/р 01/205 MEA бўлган «SONATA»; д/р 01/762 AEA бўлган «MATIZ»; д/р 01/087 MEA бўлган «MATIZ» русумли автотранспорт воситалари, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 27 апрелдаги 33-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

ФАВВОРАЛАР — ТИНЧЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ



Биринчи май тонги. Куёш порлаб, майин эсаётган кўкдам шабадаси дилларга мусаффолик бағишлайди, ям-яшил дов-дарахтлар, турфа гуллар кўзни кувнатади. Байрамона либос кийган юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар тантанали тадбирлар ўтказилган фавворалар атрофида бирин-кетин жам бўлади. Пойтахтимизни қуршаб олган кўтаринки кайфият оғушида фавворалар сайли бошланди.

Тошкент шаҳридаги 14 йирик фаввора ёнида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Таниқли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, рақс ва театр гуруҳлари иштирокидаги оммавий маданий тадбирлар сайилга ўзгача шуқуқ бағишлади. Ҳар бир белгиланган жойнинг тирихий-маданий хусусиятлари инobatга олингани боис барча томошалар ўзига хослиги ва бетакорлиги билан ажралиб турди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги «Тошкент шаҳрида «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган ёшлик байрами юртимизнинг бой тарихи ва истиқлол туфайли яратилган имкониятлар қадрига етиш, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини шакллантириш, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилди.

Айни кунда пойтахтимиздаги давлат муассасалари, музейлар, банклар, рестороан ва кафелар ёнида, борзорларда, ўқув муассасаларида, истироҳат боғлари ва халқ сайиллари ўтказиладиган жойларда бир-биридан кўркам 60 дан ортиқ фаввора ишлаб турибди. Улар атрофида барча қулайликлар мавжудлиги

боис жажжи болажонлар, ёшлар ва фахрийлар, пойтахтимиз меҳмонлари билан ҳамisha гавжум бўлади. Бундай хушманзара жойлар юртимиз аҳолисининг хордиқ чиқариши учун муносиб маскандир.

— Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг ёркин ифодаси ҳамдир, — деди «Адолат» социал демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов. — Сайил доирасидаги қизиқарли лойиҳалар тадбир иштирокчиларининг ижтимоий-сиёсий билимларини кенгайтирибгина қолмай, юртимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биноси рўпарасидаги мусиқали фаввора суви замонавий опера ва мумтоз мусиқа сандолари остида бамисоли камалақдек товланади. Фавворалар сайли авж паллада. Йигит-қизлар турли акцияларда фаол иштирок этиб, билимини синовдан ўтказаяпти.

Ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган фавворалар олдида ўтказилган тадбирларда миллий-маданий аънава ва қадриятларимизга урғу берилди. Бетакрор миллий мусиқаларимиз узоқ вақт янграб турди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Б.РИЗОҚУЛОВ ва ўза олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИ
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-515. Tiraj 52133.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabuxona — 233-50-55;
kotiбиyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 00.45 Topshirildi — 03.10

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:
Nasiba ERXONOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 4 5 6